



# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 26-oktabr, chorshanba • № 45 (745) • 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan • elektron manzil: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

## Меҳр борки, умр мазмунли


Кейинчалик болаларига хунор ўргатишни илтимос қилиб келувчи ота-оналар кўпая борди. 2006 йили маҳалла ҳудудига Юнусобод туман "Умр" номли ногирон-фалаж болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш жамоатчилиги марказини очди.



➔ 3-бет

## «Обрўси баланд» аэропортлар

The Guide to Sleeping in Airports махсус портали томонидан ўтказилган кузатув хулосаларига асосланб тузилган рейтингда рейс кечиккан ҳолатларда дам олиш ёки вақтни мароқли ўтказиш бўйича Сингапурнинг «Чанги» аэропорти етакчилик қилмоқда.



➔ 5-бет

## Дўст тутининг, китоб хиёнат қилмайди

Шундай экан, келинг, хонадонингиз тўрида жойлашган чиройли ойнаванд жавонингизда, дам оладиган сеvimли ўриндингиз ёнида, иш столингиз устида — ҳамма жойда ва ҳамма вақт ўз севган китобларингиз бўлсин.



➔ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- 22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Хиллари Клинтонни қабул қилди. Оқсаройдаги суҳбат чоғида томонлар икки мамлакат фуқаролик жамиятлари ўртасида мулоқотни ривожлантириш ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдилар.
- 21 октябрь куни Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.
- Давлатимиз раҳбари 3 миллион 500 минг тонна пахта ҳосили етиштириб, шартнома режасини бажарган заҳматқан бободоҳқону, фермерлар ва барча пахтакорларга табрик хати йўллади.
- 19 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2011 йил 21 январда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини кўриб чиқишга бағишланди.
- Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегацияси «Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти қуялари» тадбири доирасида Германияда бўлди.
- Пойтахтимизда «Олтин гепард» Биринчи Тошкент Халқаро кинофоруми ўтказилди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кинофорумга жаҳонга машҳур санъаткорлар, актёрлар ташриф буюришди.



## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА

Андижон вилоятида автомобиллар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган турли мулкчилик шаклидаги йигирмадан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йили Шахрихон туманида ишга туширилган «SDK Group And» хорижий корхонаси автомобиллар учун йилгига 3 миллион донадан зиёд мой, ҳаво ва ёқилғи филтёрлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхона маҳсулотлари асосан Асака ва Самарқанд

шаҳридаги автомобиль, Тошкент шаҳридаги трактор заводлари сингари етакчи саноат субъектларига етказиб берилмоқда. Ўтган йили корхона томонидан 1,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 2 миллиард 740

миллион сўмни ташкил этди. Айни пайтда корхонада 185 ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисми ёшлардан иборат. **Суратда: йиғув цехи ишчиси Муҳайёхон Охунова. Хурсандбек АРАББОВ (ЎЗА) олган сурат**

## Болалар спорти

### Умидимиз ниҳоллари гуркирамоқда

Бугун оммавий ахборот воситаларини кузатар экансиз, уларда жаҳон миқёсдаги турли спорт мусобақаларида ўзбекистонлик ўғил-қизларнинг муносиб иштирок этиб, шонли галабаларни қўлга киритаётгани тўғрисидаги кўплаб хабарларга гувоҳ бўлиш мумкин. Бундай муваффақиятларнинг асоси болалар ва ўсмирларимизнинг ютуғи экани эса ҳар қандай эътирофга молик. Бундан бир неча йил олдин Осиё қитъасида етакчи дея эътироф этилган спортчиларимизга эндиликда дунёнинг барча мамлакатлари вакиллари жиддий рақиб сифатида қарашмоқда. Бу қувончли ҳол. Бироқ бундай дадил тараққиётга шунчаки эришиб бўлмайди.

Ҳозирги даврда барча соҳада оламшумул галабаларни қўлга киритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилиши, ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ўз самарасини беради. Айниқса, спорт соҳасида бу яқол кўзга ташланади.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бери аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортни оммалаштириш мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, болалар ўртасида спортни кенг ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бунинг самараси ўларок, юртимизда спортнинг салоҳияти янада ошди. Энг олис кишлоқларимизда ҳам замонавий спорт иншоотлари барпо этилди, уларда турли хил мусобақаларнинг ўтказилиши анъанага айланди. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" деб номланган уч босқичли спорт мусобақалари ташкил этилдики, бу мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи намунасига айланди.

Мазкур тизим бугун дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мазкур турнирлар орасидан мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган биргина "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини оладиган бўлса, у иқтидорли ёш спортчиларни аниқлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, турли халқаро турнирларга шик очмоқда. Кейинги йилларда мактаб таълим тизимида жисмоний тарбия дарсларининг нуфузи оширилиб, дарс соатлари кўпайтирилди. Ваҳоланки, илгари жисмоний тарбия дарсларига «катта танлафуз» сифатида қаралар эди. Деярли ҳаммаша бир хил манара: болалар саф тортди чикар, бироз чигалёнди машқларини бажарган, тап-тақир майдонда чангитиб копток тепишарди.

2»

ОБУНА — 2012

## Қадрли юртдошлар!

Азия муштарийлар! «HURRIYAT» газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир. Маълумингизки, 2012 йил учун обуна давом эттирилмоқда.



Эслатиб ўтамиз: «HURRIYAT» нинг нашр индекси — 233

«HURRIYAT» ГАЗЕТАСИ СЎЗНИНГ ДОИМИЙ ХАМРОХЛИГИНИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

## «НАСИБАМ БОР ҲАР БИР ХОНАДОНИНГДА!»

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу йил пахтачилик бўйича ялпи даромад, ўртача ҳисоблаганда, 2 триллион 400 миллиард сўмдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 25 фоиз кўп бўлиши кутилмоқда. Бу ўз навбатида қишлоқларимизни, бутун юртимизни янада обод қилиш, янги мактаблар, академик лицей ва касб-хўнар коллежлари, замонавий тиббиёт масканлари, болалар спорти объектлари, намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма иншоотлари барпо этиш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаётини янада фаровон қилиш учун улкан имкониятлар туғдириши шубҳасиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнатқашларига йўллаган табригидан.



Эллиқалъа Қорақалпоғистон Республикасининг табиий ҳудуди жиҳатдан турли иқлим сарҳадлари билан туташган тумани ҳисобланади. Кундан-кун иқтисоди юксалиб, ижтимоий қиёфаси гўзаллашиб бораётган мазмунли бирлик Шимолдан Қизилқум чўли, Султон Увайс тоғи тизмалари ва Қозоғистон Республикасининг Қизил ўрда вилояти, Фарбдан Беруний ва Тахтақўпир туманлари, Жанубдан Хоразм вилояти, Шарқдан Тўртқўл тумани ва Навоий вилояти билан чегарадошидир.

Маркази — кўпдан-кўп маънавий-маърифий анжуманлар масканига айланиб бораётган, мезморий бичими билан эътирофу эътиборга лойиқ деб топилган Бўстон шаҳри. Ер майдони — 5 минг 419 кв. километр. Аҳоли сонини — 133 миң 400 киши.

Туман ҳудудида 13 та овул ва 8 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларда 22 миң 353 оила истиқомат қилади. Аҳолининг 84,4 фоизи қишлоқда, 15,6 фоизи туман марказида яшайди. Иккита саноат корхонаси, 3 та қўшма корхона, 4 та транспорт корхонаси, кўплаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг қўламадаги иқтисодий ислохот ҳамда модернизация жараёнини амалга оширмоқда. «Элтекс» тамғаси билан ўзимизнинг пахта толасидан тикилаётган жинси қўйим-кечакларнинг довуғи доvon ошган.

Озиқ-овқат саноати ҳам жадал ривожланмоқда. Биргина «Наврўз» масъулияти чекланган жамияти Истиқлолимизнинг 20 йиллиги тантанаси арафасида ишга туширилган — қиймати 96 миң АҚШ долларига тенг бўлган қандолат линияси 15 турдаги печенье маҳсулотларини реализация қилаётир. Бу борада улқни «Баракат-Эллиқалъа» шўъба корхонаси кўлдан бермай келмоқда. Харидорларга ҳолис хизмат кўрсатаётган кичик мини-маркетлар, барча турдаги товар ва маҳсулотларнинг ҳавас қилгулик асортименти, миждозлар юзидеги миннатдорлик туйғуси, янги-янги маҳсулотларнинг барчаси «Баракат-Эллиқалъа»га хос савдо имиджига айланган. Туман қурилиш ашёлари бозорида эса «Гулдурсунсавдо» ва «Бўстон-интерсавдо» масъулияти чекланган жамиятлар сарбон.

2»

# «НАСИБАМ БОР ҲАР БИР ХОНАДОНИНГДА!»

(Бошланғич 1-бетда)

Зуваласи бир жойда қорилган бу икки ташкилот миждо-ларни бинокорлик материалларининг энг янги русумлари билан таъминлайди. Зеро, Эллиқалъага қадам қўйсангиз, ҳар бир қадамда янги қурилишга: болалар бочаси, мактаб, коллеж, қишлоқ врачлик маскани, чиройли дўкон, янги турар-жойларга кўзингиз тушади.

Эллиқалъа, энг аввало, ўз келажагини ўйлайди. Мустақил мамлакатимиз тараққиётига хос бўлган бу интилишни 71 та умумтаълим мактаби, 1 та академик лицей, 6 та касб-хунар коллежида бўлган ҳар бир инсон юрагига муҳрлаб олади. Биз ҳам Нукусдан келиб, чап томонимизда виқорланиб турган тоза ҳаволи, тоғ тизмаси, ўнг томонимизда мовий шишадек ялтираб ётган гўзал Ақчақўлга маҳлиё бўла-бўла шаҳарга экинлашар эканмиз, Бўстон — навқирон авлод маскани экинга иймон келтирдик. Аввал чап ёнимизда Эллиқалъа қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежида кўзимиз тушса, кўл соҳили — ўнг томонда ёшлар учун қурилган янги уйлар, давлатимиз тасарруфидоги мактаб-интернат, бутун Ўзбекистонга маълум «Орол болалари» оромгоҳи, ундан кейин машҳур ҳофиз Отажон Худойшукров номидаги санъат ва педагогика коллежи қад ростлаб турибди. Чап томонда, унинг рўпарасида эса Бўстон иқтисодиёт касб-хунар коллежи, унинг ён томонида ўқув биноси олдидан улуг Абу Али Ибн Сино сиймоси акс эттирилган тиббиёт коллежи, ундан нарида Муҳаммад Юсуф номидаги Бўстон академик лицейи. Лицейга қираверишда шoir бюсти. Умуман Эллиқалъа тумани ва унинг марказида миллатимиз ҳамда мафқурамиз моҳиятидан келиб чиқадиган мейморчи-

шукур номидаги коллежда ҳофиз музейи, миллий опера тарихи ва бугунги кундан лавҳалар бурчаги, Муҳаммад Юсуф номидаги лицейда шoir музейи, таълим қорақалпоқ тилида олиб бориладиган 11-сон мактабда Ибройим Юсупов музейи, Болалар спорти жағфармаси туман бўлими ҳузурида Спорт шон-шўхрати музейи ва ниҳоят мамлакатта маълум Санъат саройи ёнида антик давр ва ўрта асрларга оид кўна қўрғон ва қалъаларнинг миниусулхалари бунёд этилган «Очиқ осмон остидоги музей» бор.

Отажон Худойшукров жағфармаси, Ўзбекистон



Фанлар академияси Ботаника боғи филиали, «Аёзқалъа тур» сайёҳлик мажмуи ва бошқа завқ-шавқ уйғотадиган, бунёдкорликка мисол бўладиган ўзига ҳосликлар хусусида яна узундан-узок ҳикоя қилишимиз мумкин. Буларнинг бари қалбида Ватан туйғусини улуглайдиган туман аҳлини бир-бирига эш, камарбаста бўладиган, маънавий юксакликка етаклайдиган, руҳий озққа берадиган сарчашмалардир.

яти раҳбари Мақсуджон Сафарбоевнинг ҳикоя қилишича, қурувчилар миждо-лар эҳтиёжи, талабларини тўлиқ ҳисобга олишган. У фермер Умрбек Янгибоевга тегишли шинам уйни кўрсатди. Йил икки ой далагини захматини чеккан азамат шундай чиройли уйда яшаганига нима етсин. Уйдан радио орқали шу қишлоқ фарзанди, операмиз юлдузи, истиқлолнинг 20 йиллигида муҳтарам Президентимиз Фармонига биноан «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган ажайиб санъаткор, Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раззоқова кўйлапти!

Ўтдик. Манамен деган тажрибали фермерлар орасидан от ўздириб, тўп ёриб чиққанмишдан бошимиз осмонга етди. Ҳозир ҳар гектардан олинган ҳосил 30 центнердан зиёд, ҳали ҳосил мўл. Теримчилардан Г.Шарипова, С.Эшчонов ва Г.Шеримбетовларнинг ҳар бири 4-4,5 тоннага яқин пахта терди. Терганига яраша меҳнат ҳақларини ҳам ўз вақтида олишди. Теримчиларнинг чой-сувиға қарайдиган ошпаз А.Ортиқбоевнинг ҳам хизмати алоҳида. Вой-бўй, дала-тузнинг чойига нима етсин! Битроз ҳазиллашиб ўтириб, тановул қилинган таомнинг иштаҳаси ўзгача бўлади.


майди. Унинг қандай деҳқон эканлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлсангиз, далаларига, ҳали ҳам кўсақлари маржондек шода-шода бўлиб очилаётган пахтасига назар ташланг. Ана шундан сўнг у ҳақида аниқ тасаввурга эга бўласиз. Бир гал у экишга хиёл эртaroқ киришгандек бўлган эди. «Сал эртaroқ эмасми?» десам, «Сиз учун эртaroқдир. Лекин мен учун эрта эмас. Сабаби мен чигитни аввал юрагимдаги чўғ билан қиздираман!» деган эди.

Ҳақиқатан ҳам, МТП раҳбарининг таърифи бежиз эмас экан. Бунга дала бошига бориб, яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Фермернинг пахтаси мактаса мактагудек бўлиқ бўлибди. Ана пахта-ю мана пахта. Ҳўзанинг чаноқларига сиймай тўкилиб кетай деб тургани хавасингизни келтиради. Вақтида озиклан-тирилиб, қониб сув ичганлиги кўриниб турибди. Кўсақлар бўлиқ, ниҳоятда йирик, толаси сифатли. Қараган кўз қувонади.

— Деҳқончилик билан ана шу юксак даражага етдим, — деди Жуманазар ўзи ҳақида билгимиз келганини эшитиб. — Фермер бўлиб кам бўлмадим. Ҳалол пешона терим, бетиним меҳнатларим туйғайли барча эҳтиёжларим қониб бормоқда, «Некция»ли ҳам бўлдим. Жорий йил баҳорда яхши ният билан 41,7 гектар майдонга чигит эккан эдик, бир текис унди. Бизнинг деҳқончиликдан ютган томонимиз — ҳўжалигимиз Амударёнинг эстагида жойлашган. Қолаверса, «Амиробод» канали «устимиздан» ўтади. Сув кам бўлса ҳам, унумли фойдаландик. Пахтадан ташқари 14 гектар майдонга кузги бугдой эдик. 1 гектар боғимиз бор. Фермер ҳўжалигимизда 42 нафар киши иш билан банд. Жорий йил теримини 7 сентябрь кuni бошладик. Ҳамқишлоқларимизнинг барчаси ҳамжиҳатликда пахта даласига тушди. Улар орасида, айниқса, 81 ёшдаги Раима Муллаеванинг этак осиб пахта теришга чиққани ҳам мамизга ибрат бўлди. Барчамиз руҳланиб кетдик. Албатта, онахоннинг ғайрати тошиб турган бўлса ҳам у кишини уринтиргимиз келмади. Далани соғиниб чиққанининг ўзи биз учун катта мадад бўлди. Теримчиларга ҳар беш кунда пули бериб турилди. Масалан, моҳир теримчиларимиздан М.Шарипова ва О.Алламбергеновалар ишлаб топган меҳнат ҳақларига кузги кийим-кечак, пальто сотиб олганида уларга хавас билан қарамаган кишининг ўзи бўлмади. Шундай чаққон теримчилар борлиги учун 115 тонна пахта топшириб, шартномани ортиги билан удаладик. Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Бунга яраша об-хаво ҳам илиқ. Шундай фанимат даладан унумли фойдаланиб, бор ҳосилни зое қилмай йиғиб-териб олиш учун ушқoқлик билан меҳнат қилмоқдамиз!

Улар билан хайрлашиб, бу фидойи инсонларнинг ғайратига-ғайрат тилаб, меҳнатининг роҳатини кўргайсиз, азиз пахтакорлар, дегач бутун ҳаётимиз-мамотимиз манбаи ҳисобланган Амударё соҳилига чикдик. Дарё соҳили азим тол, терак, тўронгил, жийда дарактлари билан бурканган. Айрим дарактларнинг бўйи ўрмон минтақаларидаги қарағайларникидан кам эмас. Зеро, бу тўронгиллар хосиятли сувни ичиб кўкка бўй чўзган. Акраб шовли эсади. Новотранг суми кирғoққа келиб урилади. Унинг шовуллаши аро қулоғимиз остида ҳаммага манзур шеър сатрлари, кўшиқ садолари жанрангайди: **Эл меҳри сўнмас юзингдан, Улуг дарёи азимдан, Қорақалпоқ, Хоразмдан Эсар Жайхун шамоллари.**

Урозбой САТБОВЕВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



## Умидимиз ниҳоллари гуркирамоқда

(Бошланғич 1-бетда)

Қишда эса қорбўрон ўйини... Ўз спорт залига эга мактаблар нафақат қишлоқларда, ҳатто шаҳарларда ҳам санокли эди. Бугун эса мактабларда жисмоний тарбия дарслари энг жиддий таълим йўналишлари қаторидан ўрин олди. 1-9-синфлар учун «Жисмоний тарбия» дарслигининг тайёрлиниши ва барча умумтаълим мактабларига етказиб берилиши натижасида унинг илмий-назарий асосларга эга фан сифатида ўқитилишини таъминлашга эришилмоқда. Қолаверса, мактабларни малакали мутахассис ўқитувчи-мураббийлар билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса соҳада ишлаётган 25 минг 134 нафардан ортик жисмоний тарбия ўқитувчиларининг муносиб шогирдлар тарбиялашида асос қилинмоқда.

Яна бир эътиборга молик масала, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ота-оналар томонидан ҳам ижобий баҳоланмоқда. — Мана, уч йилдики, ўғлим Азизбек футбол билан шугулланиб келади, — дейди юртдошларимиздан бири Фарҳод Валиев. — Мен эса бундан жуда хурсандман. Негаки, спорт бугун фарзандим ҳаётининг бир бўлагига айланган.

Кези келганда сизга бир ҳақиқатни айтсам, авваллари ўғлим тез-тез турли хасталикларга чалиниб турарди. Бундан фахат биз эмас, унинг ўзи ҳам азият чекарди. У спорт билан шугуллана бошлаганидан сўнг ҳаммаси ўз йўлига тушиб кетди. Шунинг учун ишонч билан айтишим мумкинки, спорт — соғлиқ гарови ҳам.

Дарҳақиқат, спорт билан мунтазам шугулланган болалар жисмоний жиҳатдан бақувват бўлишлари билан бирга соғлом фикрловчи ва иродали инсонлар бўлиб воғга етадилар. Шу боис, жойларда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиш аниҳанга айланган. Жумладан, Тошкент шаҳри мактабларига болаларнинг дарсдан ташқари вақтларини мувофиқлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда спорт тадбирлари ўтказилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 22-30 март кунлари баҳорги таътил кунлари давомида умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун «Умид ниҳоллари — 2011» спорт мусобақаларининг 8-9-синфлар ўртасида финал босқичи ўйинлари ташкил этилди. Яна бир неча кундан кейин бошланғичдан кузги таътил пайтида «Умид ниҳоллари — 2011» спорт мусобақаларининг 5-7-синф ўқувчилари ўртасида синфларо босқичи давом этмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, бугун юртдошларимиз томонидан жаҳон ареналарида кўлга киритилган муваффақиятлардан «Умид ниҳоллари», «Барқамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Ҳуқи бугунги хаваскор эртанги малакали спортчилар. Бундан ташқари, мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва барқамол авлодни воғга етказишда, ёш спортчиларни қасф этишда унинг аҳамияти бекиёс.

Азим РЎЗИЕВ,  
«Hurriyat» мухбири

## Замондошларимиз

### Касб ва бурчга СОДИҚЛИК

Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасида ички ишлар идоралари фидойи ходимларининг хизмати катта. Лавҳамиз қаҳрамони — Сардоба туман ИИБ профилактика катта инспектори Бобир Мусаев ҳам ана шундай касби ва бурчига содиқ инсонлардан биридир.



Касби, эгаллаб турган лавозими масъулиятга кўра майор Бобир Мусаев доимо жамоатчилик орасида бўлиши зарур. Шу боис, у ўз фаолиятини маҳалла оқсоқоллари, диний маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кенгаши раислари билан ҳамкорликда амалга оширади. Мухими, Б.Мусаев кенг қамровли профилактик ишларни ўтказишда етарли малакага эга ҳодим. Кези келганда айтиш керакики, шу йилнинг ўзида Бобир Мусаевнинг хушёрлиги, бевосита иштирокида бир нечта жиноятлар ўз вақтида очилди, жиноятчилар қилмиши фoш этилди.

— Устозларнинг ҳалол бўлиниги, ўз шаънларининг доғ туширманглар, — деган ўғитлари ҳаммага ёдимда, — дейди у. — Фуқароларнинг турмушда тез-тез учраб турадиган муаммоларини моҳиятан ўрганиб, тўри йўл кўрсатсангиз, маслаҳат, амалий ёрдам берсангиз, сизга ишончи ортади. Аҳоли билан ҳамжиҳатликда масалани жойида ҳал қилишга ҳаракат қилаёلمиз.

Профилактика катта инспекторининг фуқаролар тинчилиги, оёсийш-талигини сақлашдаги хизматлари муносиб тақдирланди. Мустақиллигимизнинг йиғирма йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармонига биноан «Шўхрат» медали соҳиб бўлди. Бу хушхабар ўша кунгиче бутун туманга ёйилди.

— Кейинги йилларда ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли ва жамоат ташкилотлари билан алоқаси мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ҳуқуқбузарликларнинг олдин олишда яхши самара берапти, — дейди Сирдарё вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Олимжон Абдуллаев. — Ички ишлар идоралари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлашга катта эътибор қаратилган. Сафимизда сидқидилдан хизмат қилаётган ҳар бир ҳамкасбимиз Бобир Мусаевга ўхшашига ҳаракат қилади. Уларнинг ўз вазифаларини шараф билан адо этишлари учун яратилаётган имкониятлар ҳам яхши. Биргина мисол: илгари милиция таънч пунктларида бугунгидай шартноларни фақат орзу қилиш мумкин эди. Давлатимиз гамхўрлиги туйғайли ишимизда самара, фаолиятимизда кўнглидагидек натижа бўлапти.

Раъшан ШОДИЕВ,  
журналист



лик, ҳайкалтарошлик намуналари оз эмас. Бу шаҳарни яратган фидойи инсонлар бунёдкорлигидан мағрур нишонлар ҳисобланган ям-яшил арчалар, азиз устозимиз Ошиқ Аёз ўз шеърларида ардоқлаган канн гуллари барқ урган бош хиёбонда истиқлол обидаси, қувончидан кўкка сагичган фавворалар, уларнинг атрофида ўйнаб юрган, ширин кулгуси кўнги-роқдек жаранлаган болалар. Бош хиёбонга ёнма-ён боғда «Мотамсаро она» обидаси «Эй инсон! Кўзингиз оч. Бир дам нафсу тама балосидан халос бўлу бу ёруғ оламга гўзаллик, эзгулик, ҳалоллик уругини соч. Тинчликни кўзингга тўтиё қил!» десаётгандек. Унинг нариёғида «Устозга эҳтиром» ҳайкали — устозларга дилдаги хурматнинг ёрқин ифодаси. Улуг ўқитувчиға қўйилган ҳайкал рўпарасида «афгон қирларида гулдек сўлган сиймо»ларга обида. Тозабoғ қишлоғидан икки азамат ёт юрт тўроғида шаҳид бўлган эди. Қишлоқ аҳли уларнинг хотирасига хурмат бажo этиб алоҳида обида, хиёбон барпо этилган.

Муҳтарам Юртбошимиз иборалари билан айтганда, тарихий хотирасиз келажакнинг ўзи йўқ. Биттагина Эллиқалъа туманининг ўзида С.Толстов номидаги тарих ва археология, Отажон Худой-

Замонамизнинг забардаст шоири, атоқли устозимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуповнинг мақола-нама сарлавҳасига қўйилган шеърий сатрида таърифлангандек, Она ерга меҳрини бериб, мўл ҳосил етиштиришда эллиқалъалик захматкаш деҳқонларга ҳар қанча тасан-нолар айтсак арзийди. Улар сув анча тақчил келган жорий йилда ҳам астойдил меҳнат қилдилар, эл-юрт хирмонига шартномага мувофиқ 25 минг тонна ўрнига 27 минг тоннадан ортик харидоргир пахта хом ашёси топширдилар. Айни шу кунларда бу тарафларга манзил тутган йўловчилар қатори биз ҳам туман далаларида қизгин меҳнат симфонияси авж пардасига чиққанининг гувоҳи бўлдик.

Бизга дастлаб «Қиличчиноқ» қишлоғида янги типовой лойиҳа асосида қурилган 25 та замонавий турар-жойни кўрсатишди. Бу ажайиб турар-жойлар ҳам мустақил мамлакатимизнинг иқтисодий қудратидан, шу жумладан, пахтачилик соҳасидан келадиган мўмай даромадлардан нишон. «Нукус-Тошкент» автомагистрални ёнбошидаги 6 та икки қаватли, 19 та бир қаватли шинам уйлар. Бу ажайиб «шаҳарча»ни барпо этган пудратчи ташкилот — «Аёзқалъамаҳсускурилиш» масъулияти чекланган жами-

Биз «Қиличчиноқ»даги «То-йир бобо» фермер ҳўжалигининг раҳбари Жуманазар Ортиқбоевни дала шийпонидан учратдик. Қалин тераклар билан бурқалган дала шийпони ниҳоятда файзли ерда жойлашган экан. Тушликка чиққан теримчиларнинг ҳам тиломи чоғ. Бу ерда нанки тушлик тановул қилиш, балки озгина бўлса-да мазмунли ҳордиқ чиқариш учун барча шарт-шароитлар бор. Қисқа танаффусдан кейин теримчилар яна эгтарларга шошилади. Бир ҳовуч пахтани ёгин-сочинга қолдирмасангиз, эртага у сизга лоқал бежирим даструмом бўлиб қайтади. Қиз бармоғидай оплоқ момиклар чорлаб турган далага беихтиёр интиланган, киши. Пахтакорнинг бир сиким пахтаси ҳам эл-юрт бойлиги. Уни ўз вақтида терим олиш эса кўпчиликнинг ялпи фаровонлик йўлидаги бунёдкорлик ишларига қўшилган ҳисса. Эллиқалъаликлар эса буну жону диллари билан ҳис қилишади.

— Фермер ҳўжалигимиз 2002 йили ташкил қилинган. Шундан бунён ерга ташлаган чигитдан ризқимиз бенасиб қолган йил бўлган эмас, — дейди пахтаси қийғос очилган даласига боқиб Жуманазар фермер. — Жорий йилги баҳор деҳқонларимиз учун жудааям қулай келганига қарамай, ёз иссиқ бўлди. Иссиқ гўза учун айни мудадо.



Қаловини топсангиз, қор ҳам ёнади, деганларига амал қилиб, ҳам сувдан оқилона фойдаландик. Терим 5 сентябрда бошланган бўлса, жами 11 кунда 24 гектар майдондаги гўзадан 75 тонна сифатли пахта ҳосилини етиштириб, давлат шартномасини бажардик. Бажарганда ҳам туманда биринчилардан бўлиб марра чизгидан

Ўзини мақтаяпти деманг-у, фермерлик тиниб-тинчимайдиган касб. Уни барча билан биргалашиб, бажармасангиз, бир ўзинингнинг кучини етмайди. Шу боис, ўлмас исмли ўғлим иш юритувчи бўлса, Рашиддин механизатор бўлиб, қўл-қанотимга айлангани мушкулимни осон қилди. Шуларнинг орқасидан совуқ кунларга қолмасдан даладаги ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиш ниятидамыз.

У шуларни айтиб бўлгач, узoқда ҳосили йиғиштириб олинган сарғиш туси ярқираб турган бугдой даласига қараб, жим қолди. Биз унинг бирор зарур ишга шошилаётганини, лекин буну қандай айтишини билмай ўтирганини тушундик. Чиндан ҳам деҳқон учун ҳар дақиқа фанимат бўлиб турган йиғим-терим мавсумида уларнинг вақтини олиб бўлмайди. Сабаби, фермер учун бир дақиқанинг ўзи олтиндан қиммат. Унинг фикрини ечилиши керак бўлган масалалар, янги вазибалар чулғаб олгани яққол кўриниб турарди. Биз ҳам Жуманазар фермер назар ташлаган бугдой даласи томон, ундан эса қўшни қишлоққа йўл олдик.

«Бўрлитов» муқобил машина-трактор парк раҳбари Эгамберди Бобожонов «Ҳамида ҳамшира» фермер ҳўжалиги раҳбари Жуманазар Ортиқбоевнинг отдоши — Жу-

маназар Омонов ҳақида шундай тавсиф берди: — Жуманазар нимани лафз қилган бўлса, ҳар доим ваздасида турадиган бир сўзли йигит. Янглишмасам Бердак бобомиз «Халқ учун» шеърини айнан ана шундай йигитларнинг ишидан илҳом олиб ёзган бўлса керак. Арслон изидан қайтмайди, Жуманазар ҳеч қанон сўздан қайт-

▼ Бор бўл, оқибат!

## МЕХР БОРКИ, УМР МАЗМУНИ

Дераза рошидаги гулларни ҳеч кузатганмисиз? Тувакларни қайси ҳолатда кўйманг, бироқ фурсат ўтиб, гуллар кўёш нурлари тушаётган томонга бурилиб олади. Эринмасдан, яна ўзгартириб кўринг-чи, тагин шу ҳол такрорланади. Ҳатто деразага қора парда тутсангиз ҳам улар тирқишлардан ҳарорат олиш учун интилаверади...



**Т**ошкент шаҳридаги "Умр" ногирон-фалаж болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш жамоатчилиги марказига хунар ўрганиш мақсадида қатнаётганлар ўзларининг турмуш тарзида кескин ўзгариш пайдо бўлганини дарҳол аниқлайдилар. Чунки касб-хунар ўрганишга иштиёқи баланд, аммо имконияти чегараланган ўғил-қизларни бу масканда бағрикенг, меҳри дарё устозлар бир дақиқа бўлса-да, эътиборсиз қолдирмайди. Мен уларни беминнат нур — меҳр таратаётган офтобга, ўқувчиларни эса дераза рошидаги гулга ўхшатгим келди. Кўрсатиладиган оқибат қалби меҳрга ташна бу йигит-қизларни бир оиладек жипслашувда, ҳаётга чанқок диллари малҳам топишида муҳим омил бўлмоқда. Энг асосийси, марказ болалари касб-хунар ўрганишга бениҳоят иштиёқманд. Йигит-қизларнинг устахонадаги дастгоҳлардан бош кўтармай, берилиб ишлашлари фикримизнинг тасдиғидир. Бири гиламча, бошқаси жемфер тўқиш билан банд, яна бири дастгоҳда кўл телефони учун гилоф тикмоқда.

— Эртага онажонимнинг турилган кун, — дейди ўзини юнусободлик Насиба, дея таништирган қиз нақшлар ва гулларни матога экиб қўйгандек чиройли тўқиган гилофчасини кўрсатаркан. — Ҳозиргина битказдим, энди овозинга беэка тиксам янаям чиройли кўринади.

— Неча ёшдасиз? — Сўрайман унинг қўлини ишдан олмай давом этаётганига ҳавасим келиб.

— 23 да, — жавоб беради сал ўйлаб.

— Марказга қачондан буён катнайсиз?  
— Олти йилдан бери.

— Бу ер сизга ёқадими?  
— Жудаям! Бу маскансиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Ишонасизми, уйда жуда зерикардим. "Умр" ҳақида эшитдим-у, ҳаётим ўзгарди. Чунки оилада ягона қизман, гаплашадиган опа-синглим йўқ. Маҳалламиз қизларига қўшилишга уялман, ҳаммамнинг қарашини ҳар хил. Бу ерда эса ундаймас. Ҳамма опасинглик, ака-ука, аҳил, меҳрибон.

— Ҳозиргача нималарни ўргандингиз?  
— Мана бунақа гилофчалар, нимчалар, турли елпичлар тиқишни ўргандим. Чойнақпўш, гиламча ва тувакчалар учун гул тўқишни ҳам. Шу пайтгача анчагина нарсалар тўқигандим, оймнинг дугоналари ҳаммасини сотиб олишди. Ана кўрғазмага қўйилган намуналарга қарасангиз, энг яхши ишларимиз илеб қўйилган.

Ҳақиқатан, деворий кўрғазмани кузатар экансан, шундай бежирим ишлар бу марказ болаларининг ижодий ишлари маҳсули эканига лол қолсан киши. Чойнак учун тақсимча ва қалпоқча, нимчалар, уриндик учун гиламчалар, пайпоқ ва дўппилар, сандиқчалар худди моҳир хунарманднинг қўлидан чиққандек. Тувакчаларда "экиб" қўйилган рангли мунчоқ — гуллар ва дарахтларни беихтиёр қўлингиз билан бир ушлаб қўласиз. Биринчи қўлингиз билан қўйиб олиб...

— Ҳамида опам келди, Ҳамида опам! — қизларнинг овозидан беихтиёр ўгирилиб қарадим.

Қизлардан бири чопиб бориб, эшикдан кириб келган аёлнинг қўлидан тутди, яна бири унинг елкаси оша қўлини ташлаб олганча бажарган ишлари ҳақида сўзлаб кетди. Опа атрофини ўраб олган болаларнинг бирига бармоқлари билан, бошқасига

имо-ишора билан саломлашган кўйи бажарилаётган ишларни кузатди. Ёрдам керак бўлганларига маслаҳатини аямди.

— Нақд олти йил деганда фарзанд кўрганмиз, — дейди марказ раҳбари Ҳамида. Ҳамидова тadbирлар ўтказишга мўлжалланган хонага ўта туриб. — Оналлик бахтидан сармаст бўлиб юрган кунларимиз ўғлимда қандайдир ўзгариш борлигини сезиб, тезда шифокорга мурожаат этдим. Маълум бўлдики, ўғлим туғилиш жараёнида босидан лат еган экан. Ҳатто уч ёшида ҳам қўлобегини қимирлатолмай бир жойда ўтирарди. Қаерда яхши шифокор ё табиб бор дейишса, ўша ёққа югурарди. Тинимсиз муолажалар натижа бериб, у саккиз ёшга кирганда юра бошлади. Аммо оёқлари қалишиб, салга йиқилиб тушар, шунинг учун уни қўлингизга олиб кўтариб юрардим. Айниқса, одамлар орасида менга жуда оғир эди. Зафаржон билан автобусга чиқсак ҳамма бизга ачиниб қарар, то манзилга етганимизча нигоҳлари боламда бўларди. Нуридийдамнинг соғлиги салгина яхшилангач, уни Олмазор туманидаги 106-кар-соқовлар мактабига бердим. Бешинчи синфгача ўқишга ўзим олиб бордим, кейин ўрганиб кетди. Ўша пайтларда болам тузалиб кетса, ногирон болаларга қўлимдан келганча хунар ўргатиб, уларга ёрдам бераман, деб кўнглимга туғиб қўйгандим.

Ҳамида опа ўгли секин-секин аста соғая бошлагач, унга ва унга ўхшаган ногирон болаларга хунар ўргата бошлади. Кейинчалик болаларига хунар ўргатишни илтимос қилиб келувчи ота-оналар кўпая борди. 2006 йили маҳалла худудида Юнусобод тумани "Умр" номили ногирон-фалаж болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш жамоатчилиги марказини очди. Марказга нафақат тумандан, балки пойтахтнинг бошқа худудларидан ҳам иштиёқманд ногирон болалар келаётганини сабабли ҳозир Тошкент шаҳар ногирон-фалаж болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш марказига айлантирилган. Айни пайтда 100 нафардан ортиқ болага зардўзлик, мунчоқлардан гул, манзара тикиш, гиламдўзлик, тивуччилик, тўқувчилик сирларидан сабоқ беришмоқда. Болаларнинг айримлари ўзлари, баъзилари ота-оналари кўмагида хунар ўрганишга келишади.

Болалар кунларини мароқли ўтказишлари учун Рустамжон Тошматов раҳбарлигидаги "Дилбарим" мусиқа дастаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир байрамда улар жойларда ўз чиқишларини намойиш этишади. Болаларнинг шод-хуррам чехраларига қараб кўнгил кўтарилди, ота-оналари ҳам болаларининг интилишидан мамнун. Энг муҳими, имконияти турли даражада чекланган болалар бу ерда ўзларини жуда енгил ҳис қилишади.

— Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулла Шомағрупов "Иқтидорли бо-

лалар бор экан", дея мусиқа ансамблимизни керакли жойларга билан таъминлаб берди, — давом этди марказ раҳбари эсдалик суратлари ёпиштирилган альбомни бирма-бир варақлар экан. — Маҳалла ва савобталаб тadbиркорларнинг кўмагида тивуч машиналари олдик. Ўз ишларимиз билан бир қанча кўрғазмаларда иштирок этиб келаямиз, пойтахтимизнинг гўзал ва тарихий жойларига саёхатлар уюштираямиз. Яна бир янгилик — марказимиздаги ўғил-қизларнинг қобилияти, ишни тайёрлаб етказиб бера олиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, иш бевуқчалар билан ҳамкорликда ижтимоий шериклик муносабатларини ҳам йўлга қўйдик. Бу ҳамкорликимиз кундан-кун мустаҳкамланмоқда. Бугунгача ўн нафардан ортиқ болани иш билан таъминлашга эришдик. Корхоналарга шартнома асосида ҳар ойда 60-70 тагача маҳсулот тайёрлаб бераёпмиз. Уч-тўрт нафар йигит учун пойабзал таъмирлаш устахонаси очини режалаштирдик. Хуллас, олдинда қиладиган ишлар кўп.

Марказдан чиқаётиб, бу болажонларга хунар ўрганиб, уларнинг ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топишларига, фойдали меҳнат тури билан шуғулланишларига ҳисса қўшаётган маскан ходимларидан мамнун бўлдим ва қизларнинг шивир-шивирлари яна қулоғимга чалинди: "Ҳамида опамнинг ёнларидан ҳечам кетгим келмайди..."

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА

▼ Истиқлол иншоотлари

Ҳар гал мактаб ҳақида гап кетганда ҳаёлимда қайсидир китобда ўқиганим "Мактаб — миллатнинг гули, миллатнинг булбули" деган сатрлар такрорланади. Дарҳақиқат, шундай. Мактабда миллат тарбия топади, келажак улғаяди. Шу боис, бободаримиз мактаб ишига миллат иши, тарбияни кундалик юмуш деб ҳисоблашган.

## Эшмонтўбла янги мактаб

**Б**у аънава истиқлол йилларида янги босқичга чиқди. Президентимиз раҳнамолигида аждодларимиздан мерос аънавий усул ва янги давр тамойиллари уйғунлаштирилиб, таълим тизимининг янги концепцияси ҳаётга жорий этилди. Буни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Таълим тўғрисидаги Қонуннинг амалиётга татбиқ этилаётганида ҳам кўриш мумкин. Унинг амалий ихроси республикамизнинг олис худудларида замон билан бўйлашадиган маҳобатли ўқув муассасаларининг бунёд этилаётганида кўринади.

Истиқлолнинг йигирма йиллик тўйи арафасида туманимизнинг Эшмонтўб кишлоғида 25-ўрта умумтаълим мактабининг янги биноси қурилиши қишлоқ аҳли кўнглини бир олам қувончга чулғади. Ёз чилласида қишлоқ марказида икки қаватли иморатнинг қад ростлаётганини кўриб, ёшлиқнинг беғубор уфқларида хандон отиб юрган болакайлар аввалига хайратга тушибди. Ўша кезлари уларнинг оғиздан: "Энди қўшқаватли мактабда ўқирганимиз-а, ёнида спорт залиям бўларкан!" деган хайратга тўла, ҳавасманд сўзлар эшитиларди. Мустақиллик байрами кўни уларнинг орзулари ушалди. Мактабни мактаб биноси ўзининг илк ўқувчиларини бағрига олди.

— Қирқ йилга яқин болаларни ўқитдим. Умрим ўқувчилар билан, парталар орасида ўтди, — дейди кекса ўқитувчи Бердиёр Тошбулов. — Турли хил ўқувчиларни, тарбиячиларни кузатганман. Лекин шу пайтга қадар болаларнинг кўзида бугунгидай хайратни кўрмаганман.

Эшмонтўбликларга хушнудлик улашган ушбу таълим маскани 270 ўринга мўлжалланган. Қурилишга давлат бюджетидан 934 миллион 461 минг сўм маблағ ажратилди. Янги ўқув йилида 562 нафар ўқувчи замонавий синф-хоналарда таълим олишни бошлашди. Бундан ташқари, ўқув биноси ёнида 12x24 ҳажмдаги спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳомий ташкилотлар саҳавати билан 1,5 миллион сўмлик спорт жиҳозлари келтирилиб, ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун қўлай шароит яратилди.

Кексалар хайрли тadbир хайратли бўлади, деб беҳиз айтишмаган. Ғубдинтоғнинг адирларида бунёд этилган мазкур иншоот қурилиши аввалида унинг атрофидаги худудлар лойиҳаси қайта ишлаб чиқилди, бинога олиб бориладиган йўл бўйлаб турли-туман хўжалик моллари, ўқув анжумлари савдоси учун дўкўнлар ташкил этилди. Хуллас, янги мактаб биносининг бунёд этилиши Эшмонтўб кишлоғининг "киёфасийи" бодди. "Энди бу ерларга қадам ранжида қўйилган меҳмонлар адирлари қўйилган кўркам манзараларга гувоҳ бўлишлари аниқ."

Иўлчибой САНГИЕВ,  
Булуғур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мутахассиси



▼ Солиқ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ахборот телекоммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада барча тармоқларда бухгалтерия ҳисоб-китобларини автоматлаштирилган тарзда юритиш, молия ва солиқ ҳисоботларини электрон усулда тақдим этиш учун катта имконият яратилмоқда.

## Электрон усулда ҳисобот

**П**резидентимизнинг жорий йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги Фармонида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини 2014 йилнинг охиригача солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишининг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказиш белгилаб қўйилди. Бу, албатта, ортиқча оворагарчиликка чек қўйиш, ҳисоботларни тўлдиршидаги ҳатотликларнинг олдини олиш, ҳисобланган солиқ суммаларини автомат тарзда солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварағига киритиш каби қўлайликларни яратди.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоят давлат солиқ хизмати идораларида ҳисоботларни электрон шаклда қабул қилиш ва жўнатиш учун барча шароитлар яратилган. Айни пайтда вилоятда давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият кўрсатаётган тadbиркорлик субъектлари 312 таси почта орқали, 7686 таси эса электрон усулда ҳисобот топширмоқда. Энг муҳими, электрон кўринишда ҳисоботларни тақдим этиш мақсадида дастурий таъминот ўрнатилган бўлиб, 9027 та корхонага электрон рақамли имзо қалити сертификати берилган. Солиқ ҳисоб-

отларини электрон кўринишда тақдим этиш афзаллигини тарғиб қилиш мақсадида ҳар ойда солиқ тўловчилар иштирокида ўтказилаётган семинарларда тушунтириш ишлари олиб борилапти.

Термиз шаҳридаги «Амударё тонер» масъулияти чекланган жамиятининг бош ҳисобчиси Светлана Сиромятникова электрон усулдаги ҳисобот тўғрисида ўз фикрларини қуйидагича баён этди:

— Корхонамизнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига оид солиқ ҳисоботларини 2010 йилдан бошлаб электрон кўринишда топшириб келаман. 2011 йилда ҳам ҳисоботларни давлат солиқ инспекциясига интернет тармоқлари орқали жўнатдим. Менга айнан телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат тарзда тақдим этиш маъқул бўлмоқда. Чунки бу одатдаги усулдан анча қўлай.

Ҳўжалик юритувчи субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятларига доир ҳисоботларнинг вақтида топширилиши юзасидан яратилаётган янги амалиёт ўзининг афзалликлари билан тadbиркорларга ҳамда солиқ тизими ходимларига катта қўлайлиқ туширмоқда.

Илёс РАҲМАТОВ,  
Сурхондарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати раҳбари

## Тadbиркорларга қўшимча қўлайликлар

Республикамизда хусусий мулкчиликни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тadbиркорлик фаолияти кўламини кенгайтириш ҳамда мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес субъектларининг фаол иштирокини таъминлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда.

**Д**авлатимиз раҳбарининг 2011 йил 25 августдаги «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тadbиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб ҳукумат қарорлари билан белгиланган тadbиркорлик фаолиятининг 8 та соҳасидаги 50 турдаги рухсат бериш ҳужжатларининг амал қилиши бекор қилинди. Шунингдек, мазкур қарорда жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб кичик саноат ишлаб чиқаришларини жойлаштириш учун ер участкаларини ажратишга доир мурожаатларнинг ваколатли органлар томонидан қўриб чиқиш ва келишиш мuddати 1 ойдан ошмаслигини таъминловчи тартиб ўрнатилиши шартлиги, тadbиркорлик субъектларига рухсат этувчи ҳужжатларни бериш мuddати ариза берилган вақтдан бошлаб 30 иш кунидан ошмаслиги белгиланди. Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг ўз товарларини экспорт қилишда тўланадиган боғжона расмийлаштируви йиғимлари микдори амалдаги нисбатан ўртача 2 мартабага камайтириладиган бўлди.

Шу ўринда «Ўзтадбиркорэкспорт» иختисослашган ташки савдо компанияси таъсис этилганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу компания кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига уларнинг экспорт қилинадиган товарларини сотиш ҳамда экспорт маҳсулотларини сертификатлаштиришга кўмаклашиб, тadbиркорлик субъектларига бюртмаларга кўра республикада ишлаб чиқарилмайдиган технология асбоб-ускуналар, эҳтиёж қисмлар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни ўтказиш, халқро ярмарка ва кўрғазмаларни ташкил этиш, ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш билан шуғулланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Президент қарорининг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг юртимиз иқтисодиётидаги уллуши янада кўпайишига, қўлай ишбилармонлик муҳити шакллантирилишига, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга катта ҳисса қўшади.

Маълон ИСТАТОВ,  
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

▼ Боғжона

## Металл ташмақилар йўли тўсилди

**С**аноатда муҳим аҳамият касб этувчи қора ва рангли металл эҳтиёж ҳамшира баланд бўлиб келган. Шу сабабли қора ва рангли металлнинг парчалари ва чиқиндилари ҳам ўз қийматини йўқотмайди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш, техника буюмларининг парчалари ва рангли металл чиқиндиларининг ўғирланиши ҳамда ноқонуний олиб чиқиш кетилишининг олдини олиш, шунингдек, қимматли хомашё ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида қатор тadbирлар олиб боришмоқда. Хусусан, Ўртбошимизнинг 2006 йил 18 июлдаги "Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Шунга қарамай, таркибда рангли металл бўлган механизм ва агрегатларни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик фактлари, рангли металл парчалари ва чиқиндиларини яширишга тайёрлаш, мамлакат ташқарисига контрабанда йўли билан олиб чиқишга уриниш ҳоллари учраб турибди.

Бекобод туманидаги чегарадош худудда жамлаб қўйилган юклар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари диққатини ўзига тортди. Эгаси қочиб қолган юклар кўздан кечирилганида, юртимиздан яширинча олиб чиқишга қўзланган оз эмас, кўп эмас, нақд 8 тонна қора металл парчалари экани аниқланди.

Жиззахлик боғжоначилар Қозғистонга йўл олган Р.Бозоров бошқарувидаги "КамАЗ" русумли юк автомашинасини текшириб қўриб, унда ҳужжатлари бўлмаган салкам 10 тонна қора ва рангли металл парчалари борлигини фойда этишди. Ноқонуний равишда олиб кетилган мис, латун, кўрғошин каби металлларнинг қиймати 20 миллион сўмдан ортиди.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2011 йилнинг ўтган 9 ойи давомида аниқланган 292 та қонуنبузарлик ҳолатида 288 миллион сўмдан ортиқ қийматдаги 450 тонна қора ва рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Хусен ТАНГРИЕВ,  
Давлат боғжона қўмитаси матбуот хизмати инспектори

Эътироф

## Теран билим ва тиниқ хаёл соҳиби

Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами арафасида Президент Фармонига кўра бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси ижтимоий-иқтисодий дастурлар муҳарририяти бош муҳаррири, жонқуяр ва фидойи журналист Каримбай Даулетмуратов ҳам бор эди. Ёшларни онаюртга мухаббат, истиклол ғояларига садоқат руҳида соғлом, барқамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун ҳамкасбимиз Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист фахрий унвонига сазовор бўлди.



ман. Шу билан бирга ўз дастурларимда аҳолида экологик билим ва маданиятни шакллантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга даъват этиб, табиатни асраш каби фазилатларни уйғотишга интилам. Чунки мана шу заминда ўсаётган ҳар бир дарахт, бир ховуч тупроқ биз учун азиздир. Мана шу йўлда олиб борган камтарона меҳнатини шу даражада баҳолашганидан хурсандман.

Мен Каримбай оға билан талабалик даврида амалиёт ўтиш учун Қорақалпоғистон телевидениесига борганимда танишган эдим. Ушанда оғир-вазмин, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашадиган инсон сифатида таассурот қолдирган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай экан, К.Даулетмуратов кўрсатувларида ўзига хос ёндашув, услуб борлиги кўзга ташланиб туради. Масалан, 1989 йилдан буён узлуксиз равишда тайёрланиб, эфирга узатилаётган "Инсон ҳам табиат" ("Инсон ва табиат") кўрсатувлари аниқ фактларга асослангани, чуқур таҳлилга бойлиги билан ажралиб туради. Кўрсатув давомида журналист республика иқтисоди, экологиясига тааллуқли рақамлар билангина чекланмасдан, жаҳон миқёсидаги маълумотларга ҳам мурожаат этади.


Каримбай Даулетмуратов бир неча бор республика танловларининг ғолиби саналди. Масалан, Орolni кутқариш халқаро фондининг Нукус филиали томонидан ўтказилган "Суў тиричилик арқауы" ("Сув тиричилик манбаи") экологик танловининг кетма-кет тўрт марта ғолиби бўлди. Шунингдек, 2003 йил Қозоғистон Республикаси Алматы шаҳрида Марказий Осиё бўйича ўтказилган "Сув муаммоси — умр кураши" экофестивалда 2-ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совға ва диплом билан тақдирланган эди.

Ишни оддий муҳаррирдан бошлаган К.Даулетмуратов бўлим бошлиғи, бош муҳаррир, бош муҳаррир ўринбосари лавозимларида ишлади. 20 дан зиёд лойиҳалар муаллифи бўлди. "Қорақалпоқфильм" киностудияси билан биргаликда тайёрланган "Қайта тиклениш" ("Қайта тикланиш"), "Устурт жумбоқлари" ("Устурт жумбоқлари") ва "Қорақалпоғистон телеканали ижодкорлари билан ҳамкорликда олинган "Судоречье" сингари қатор фильмларнинг сценарий муаллифидир. Биз Каримбай оғага келгуси ишларида ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Перхан АЛЛАМБЕРГЕНОВА, журналист

Ҳамкасблар ижодига бир назар

Фармон Тошев янги шеърый китобини «Соғинч» деб атабди. Муаллиф асар дебочасида буни шундай изоҳлайди: Биринчидан, дилда хайрли ишга хадсиз соғинч пайдо бўлди. Иккинчидан, замондошларимиз девонни соғиниб қолдилар. Ва ниҳоят, учинчидан, соғинч бу — севги қадрини оширувчи туйғу.



## Замондошлар соғинчи

ёки Ф.Тошевнинг янги асари хусусида мулоҳазалар

Муаллиф юртимизда қалам тебратётган фаол ижодкорлардан. Муҳаррирлик, сценарийлик, кундалик турфа юмуш-ташвишлар, узок-яқин сафарлар... — булардан ортиб бадиий ижод билан қизгин шугулланиб, насрда, назмда китоб, рисолалар нашр этириш учун киши энг камида вақтин қадрлаш, мудом инсонларга яхши сўзлар, эзгу хислар улашиш истагида ёниш каби фазилатларга эга бўлмоғи лозим.

Журналистик, муҳаррирлик нони қаттиқлигини Фармоннинг китоблари — дил изҳорларидан биламиз. Лекин назмда, айниқса, аруз вазида ашбор битиш, турфа жанрларда имкониятини билишга уриниш, газал, мухаммас, рубоийларда улуглар панжасига панжа узил бир неча чандон қийин. Буни муаллифнинг ўзи яхши ҳис этгани боис, асар муқаддимасида девон тузиш алоҳида меҳнат ва илм талаб қилиши, бир қанча шоири давронлардан маслаҳат олгани, арузнинг йигирмага яқин усулларида қалам тебратгани, муашшаҳ (ўнлик), ёзишга ва айрим товуш белгиларидан радиф ясашга қурби етмагани, сунъий ёзишни эса эп қурмаганини очик тан олади.

Эътиборлиси, девоннинг асосий қисмини газаллар ташкил этади. Уларнинг алифбо ҳарфлари бағишлангани янгилик, тўғрироғи, «унутилаётган яхши эскилик». (Муаллифнинг аввалги шеърый китобчаларидан бирида сўзлари «С» ҳарфи билан бошланган назм тизмаси битганини кўрган эдик.) Девонда ҳар бир ҳарфга мос сарлавхалар топиб қўйилган: «А» ҳарфининг анвойи атирлари, «Б» ҳарфи ранглари, бойликлари, «Г» ҳарфининг ганжу гавҳарлари, «Ё» ҳарфининг ёғдулари» каби. Қўш мисралар газал бағишланган ҳарф билан тугалланади: «янги», «айлама», «ёна», «сабаб», «истаб», «бирова», «қиров», «этдинг», «кўзинг», «бўлмасанг», «маҳлиё», «хаё» ва ҳоказо.

Қадимда шоирлар газалнинг шакли-шамойилига алоҳида эътибор беришган, ҳарфлардан ҳисоб-китоб, бош ҳарфлардан исм-шарифлар чиқаришгани, бу — катта меҳнат, маҳорат талаб этган. Айни чоғда мазмунни қурбон қилиш эвазига шаклга ортиқча зеб беришга уриниш формалистик йўлга олиб келгани сабабли шеърнинг шухрат қозонолмаган ҳоллари ҳам кўп бўлган. Шоир бу хавфдан огоҳ шекилли, маъно, мазмунни биринчи ўринга қўйишга, эски, сингалган шаклларда бугуннинг гапини айтишга, дилида борини самимий изҳор этишга интилган ва кўп ҳолларда бунга муваффақ бўлган. Мана, «А» ҳарfli газалнинг айрим мисралари:

**Шу кутлуг юрт бизники, сарҳади ўша-ўша, Эркил туйғуга тўлган тик келбати янгича, Ердга жаннат шудир, тўрт фаслида унар гул, Ох, бу кимларга орзу, кўрк-зийнати ўзгача.**

Шунингдек, шоир ижод маҳсулида воқелик лавҳалари, янги замон нишонлари, турфа ўзгаришлар, инсоний фазилатларни оҳорли ташбиҳ, мўъжаз чизги орқали ифодалаш, нохуш ҳолатлар, айрим касалрга хос қусурларни маънодор детал, тағдор ишора воситасида беришга интилган.

Бундан ташқари, Фармон Тошев мусаддас, мусаббаъ, муашшаҳ, муставзо, таржиббанд, таркиббанд, фахрия, марсия, назир, маснавий рубоий, туюқ, фард, чистон жанрларида ҳам қаламини синая кўрганки, уларнинг фазилат, нуқсонлари тадқиқини қилни қирқ ёрадиган аруз-шунослар ҳукмига ҳавола этайлик. Қолаверса, ҳассос адиб Асқад Мухтор «Тундалиқлар»идаги: «Шеърни таҳлил қила бошласалар гашимага тегади. Баҳорги ҳавонинг кимёвий таркибини ҳам текшириш мумкин. Аммо ундан кўра кўкраки тўлатиб нафас олган яхши эмасми?» — деган сўзлари ёдимга тушди. Шу сабаб Фармоннинг девонини минг усулга солиб таҳлил қилгандан кўра, уни ўқиб, ёзувчи дардини, унинг ҳаётга бўлган муносабатини, юртимиздаги ўзгаришлар ва истиклол одамлари ҳақидаги ўй-хаёлларини ҳис этиш янада мароқли, янада ажойиб.

Сайди УМИРОВ

Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси журналистлари орасида биринчи бўлиб давлатимизнинг мана шундай юксак унвонига муяссар бўлган Каримбай Даулетмуратов деб билан қарий 10 йилдан буён танишман.

— Журналистнинг ҳар бир ёзгани қайси жанрда бўлишидан қатъи назар факти аниқ, фикри тоза, ғояси эзгуликка хизмат қилиши керак, — дейди устоз. — 23 йилдан буён мана шу соҳада фаолият юритаётган бўлсам, доим ўзимдан аввалги ҳамкасбларим фикрига кулоқ осдим. Раҳматли Кенесбой Ережепов, Юсупбой Аллашов ва Оллабай Отеулиевларнинг ўғит-насихатлари ҳамон ёдимда. Улар журналист, аввало жамоатчилик орасида ўзини тута билиши лозим. Оз ёзсанг ҳам сўз ёз. Оддий хабар ёзсанг ҳам муҳлис учун тушунарли ва кўп маълумотни ўзида жамлаган бўлиши керак, дея йўл кўрсатар эди. Ана шу ўғитларга доим амал қиламан. Чунки бўлар-бўлмас фикр билан томошабинни чалғитмаслик керак.

Шундай экан, нафақат тематик, муаллифлик кўрсатувларида оддий ижтимоий ёки реклама ролигидан бошлаб, кўнгилочар дастурларгача эзгу фазилатлар, Ватанга мухаббат, ўзаро меҳр-оқибат каби ғоялар илгари сурилиши лозим, деб ўйлайман. Бир мисол. Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси билан режа тузиб, шу соҳа ходимлари иштирокида табиатни асраш борасидаги Низомлар, Фармонлар ва бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар билан томошабинларни таништириб, уларнинг моҳиятини тушунириб боришга ҳаракат қила-

Газета таҳририятига малака ошириш, иш ўрганиш ниятида ташриф буюраётган Ўзбекистон Миллий университети ва Жаҳон тиллари университетидаги журналистика факультетларининг бошланғич курсларида таъсил олаётган бўлажак журналистларнинг тақлиф ва истақларини инобатга олиб, қолаверса, уларни соҳага тортиш, илк ижодий ишларини матбуотда ёритиб бориш ниятида «Қалдирғоч ини» номи руқи ташкил қилинди. Унда катта умид билан кўллари оланган қаламларини «йўрғалата» бошлаган навқирон ҳамкасбларимизнинг биринчи изланишлари мунтазам ёритиб борилади.

## Дикқат, янги рукн!



## Қалдирғоч ини

## Муҳаббат векатлари

Улар ажабтовор тасодиф туйғайли илк бор "Нихоқ" бекатида учрашиб қолдилар. Кўз кўзга тушди-ю, яқин суҳбатдошга айланди. Эртаси куни "Дўстлик" шаҳарчасидан узок ва машаққатли сафарга отланган бўлдилар. "Дўстлик" шаҳри "Хиёнат" ва "Муҳаббат" шаҳарлари билан қўшни эди. Улар "Муҳаббат" шаҳрига боришга орзуланди бўлиб, "Орзу" бекати томон қарашди. "Орзу" бекати "Армон" бекатининг қаршида эди. Катта йўлнинг у яғи армонга, бу ёғи орзуга етакларди. Уларга "Армон" бекатидагиларнинг тунқул тоғати аққиди. Қолаверса, у бекатда фақат пешонаёйга "Афсус ва налмат" деб ёзилган поезд кўккайиб турарди, холос.

Ёшлар "Орзу" бекатидаги "Умид" поездида чиқиди. Йўлда "Ишқ", "Соғинч", "Хиёнат" бекатларида бир-бир тўхтаб ўтишди. Овқатланиб оламиз, деб «Айрилиқ» бекатида қилиб кетишларига сал қолди. "Хижрон" бекатида эса поезд тасодифан бузилиб қолди. Бу бекатда "Соғинч" поезидан бошқаси поезд йўқ эди. Улар яна йўлга чиқиди. Афсуски, бу сафар адашиб, «Рашк», ундан кейин эса «Шубҳа ва гумон» бекатига бориб қолдилар. Бу бекат анча сокин, кимсасиз эди.

Мархабо МАҲКАМОВА, ЎЗМУ талабаси

## «Ҳаёт» деган сўзда ҳам ҳаё бор

«Яхши қиз, танишасан бўладими, исмингиз нима?», «Кечирасиз, нофелетингиз борми?». Бу каби ҳазиломуз мурожаатларни кўнча кўйда кўп эшитамиз. Табиийки, йигитларнинг бундай қочиримлари га-жаваб қизлар уялгандан ерга қарашади. Аммо яқинда ўғил болаларга гап «отадиган» қизлар ҳам борлигига гувоҳ бўлиб, ёқамни ушладим.

Метрода эдим. 17-18 ёш чамасидаги икки чиройли қизнинг ёнига ўтириб, поезд кута бошладим. Ёнимизга бир йигит ҳам келиб, утирди. Шу пайт қизлардан бири иккинчисини турткилаб: «Қара, Нилу, келишган эканми?», — деди. «Ҳозир кўрасан, телефон номерини, исмини билиб оламан», — деди иккинчи қиз кўз қисиб.

Улар ҳатто атрофдагилардан тап-тортмай йигитнинг номерини олишга баҳс бойлашди. Бир пайт қиз бармоқлари билан алламбало ҳаракатлар қила бошлади. Аввалига тушунамдими. Кейин билсам, у йигитга бармоқлари ёрдамида телефон номерини кўрсатиб бераётган экан. Йигит ҳам тушуниб, уларнинг ёнига келиб утирди. Шундай қилиб, биринчи босқич «муваффақият» яқинланди. Воқеа давомини кузата бошладим. Танишганларига элдигина дақиқа бўлган йигит ва қиз гўёки эски кадрлардек суҳбатлашиб ўтишди. Метро поезди келиб қолди-ю, суҳбатнинг ривожини қай тарққа яқун тоғганини кузата олмадим.

Хафа бўлмасам ҳам бўларкан. Бу кўрганам ҳолва экан. Эртаси куни бундан ҳам "ноодатий" ҳолга дуч келдим. Қуринишдан туппа-тузук қиз қурпа-қундузи бир йигитнинг йўлини тўсиб, «танишамиз» деб шилқимлик қилса денг. Бунга гувоҳ бўлган онахон менга қараб: «Вой тўмба, бу қанақа тескари замон бўлди? Қизлар уятини бир четга суриб қўйиб, йигитларга гап отиб турса-я! Ўзбек қизининг ибоси, ҳаёси қаерда қолди? Бу қизалоқларнинг балоғатга етганида қандай келин бўлишини тасаввур қилаёспизми?!», — деди астойдил ранжиб.

Дарҳақиқат, эндигина умр чечаклари палак ёзаётган бу қизларнинг хатти-ҳаракатлари ўзларининг наздида "жасорат"дир, балки?! Лекин бу ўзбек қизи шаънига тамоман зид. Ахир, нафақат ҳаётнинг ўзида, балки «хаёт» сўзида ҳам ҳаё бор. Азал-азалдан латофатли, ибодил деб таърифланадиган қизларимиз бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўришга бўларди.

Латофат ИБРАГИМОВА, ЎЗМУ талабаси

Жаҳон нашлари

## Daily Express

Express Newspapers нашриётига қарашли «Daily Express» кундалик газетаси Англияда энг машҳур ва оммабоп нашрлардан бири ҳисобланади. Медиумагнат Ричард Десмондга қарашли бўлган мажмура нашриёт «Sunday Express», «Daily Star» ва «Daily Star Sunday» нашрларига ҳам эзалик қилади.

«Daily Express» газетасининг жорий йил июнь ойидаги ҳар бир сони 621 871 нусхада чоп этилди.

Газета тарихига назар солсак, унга 1900 йили Артур Персон асос солганини кўришимиз мумкин. Нашр ривожини учун ҳаётини тиккан Артур кўз нуридан айрилган, уни Макс Эйткен (Лорд Бивербрук) сотади. 1962 йилнинг март ойида Лорд Бивербрук газетани қиролик оиласи ва киборлар жамиятини танқид қилгани учун тазийқа учрайди. Бир қатор герцоглар ва шаҳзода Филлип уни «Жин урсин, бу газетани! У гиж-гиж ёлғондан, жанжал ва уйдирмалардан иборат бузук газета», — деб



атаган эди.

«Daily Express» 2000 йили Ричард Десмонд томонидан сотиб олинади.

Газетанинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд. Масалан, у Британияда спорт хабарларини, турли миш-мишларни чоп этирган биринчи газета ҳисобланади. Бундан ташқари, кроссвордлар ҳам илк бор айнан «Daily Express»да пайдо бўлган.

Иномжон АБДИЕВ тайёрлади

«Газетанинг мазмуни «Rare» сўзида намён бўлади. Аммо унинг моҳияти ҳамisha — «News» деган биринчи сўзда ифодасини топади».

Артур СУЛЬЦБЕРГЕР, New York Times кичик ношири

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

## Дараклар

### «ОБРУСИ БАЛАНД» АЭРОПОРТЛАР



Кейинги пайтда дунё микёсида авиарейсларнинг кечикиши тез-тез кузатилаётган. Бундан, табиийки, энг аввало, йўловчилар азият чеқди. Хўш, уларнинг дам олиши учун аэропортларда қандай шароитлар яратилган? Бу саволга яқинда эълон қилинган дунёнинг энг кулай ва ноқулай аэропортлари рўйхатидан жавоб топиш мумкин.


The Guide to Sleeping in Airports махсус портали томонидан ўзқилинган кузатув хулосаларига асосланиб тузилган рейтингда рейс кечиккан ҳолатларда дам олиш ёки вақтни мароқли ўтказиш бўйича Сингапурнинг «Чанги» аэропорти етакчилик қилмоқда. Бу ерда бепул Wi-Fi тармоғи, ибодат қилиб олиш учун хоналар ва интернет-кафе мавжуд. Шунингдек, бассейн, ўйин учун хона, кинотеатр, кўркам боғлар ва бошқа хизматлар йўловчиларга хизмат қўрсатади. Бу рўйхатнинг иккинчи поғонасидан Гонконг халқаро аэропорти жой олган. Аэропортнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда кўрғазма зали, 4D — кинотеатр ва голф ўйнаш учун алоҳида майдон ҳамда болалар вақтини мароқли ўтказиш учун махсус хона ва боғ бор. Жанубий Кореянинг «Инчхон» аэропорти учинчи ўринни эгаллади.

Рейслар кечикканида йўловчилар учун ўта ноқулай ҳисобланган аэропортлар рўйхатини эса Манила бошлаб беради. Одатда бу ерда йўловчилар узундан-узун навбатга дуч келишади. Ишчи-ҳодимларнинг порахурилиги ўғирликнинг авж олгани аэропортни антирейтинг етакчисига айлантдири. Парижнинг «Бове» аэропорти 24 соат давомида тўлиқ ишламаслиги сабабли рўйхатнинг иккинчи ўринни банд этди.

Иклими совуқ ҳисобланган Исландиянинг «Кефлавик» аэропортида йўловчилар эрталаб учадиган самолётларни бинонинг ички қисмида кутishi мумкин эмас. Ана энди, бу ерда тунда келган йўловчининг аҳоли қандай бўлишини тасаввур қилаверинг. Шу боис, бу аэропорт учинчи ўринни эгаллади.

### ДҶУКОНГА ҲҶРИ ТУШДИ, «ГУЛДУР-ГУП»

Тенниси штатидаги Гатленбург шаҳрида ширага ўч ўрмон айни ширинликлар дўконига ҳужум қилди.




Дўкон сотувчилари Гвата Кир ва Дороти Роббинсларнинг айтишича, улар эрта тондан ишга келиб, ҳар доимгидек дўконнинг орқа эшигидан ичкарига киришган. Ва дўконни кўздан кечирган, унда кимдир бўлганини пайкашган. Ерда конфет ўрамлари, шоколадли пиширик ва бошқа ширинликлар сочилиб ётарди.

Шундан сўнг сотувчи қизлар тезда ўз бошиқларига ҳабар беришди. Дўкон ҳужайини воқеа содир бўлган жойга етиб келганида, айик хали ҳам бинони тарқ этмаган экан. Ёрдамга келган полиция ҳодимлари уни зўрга дўкондан қувиб чиқаришди. Ширинликка обдон тўйган айик эса лапанлаганича ўрмонга қочиб кетди. Маълум бўлишича, «ўғри» дўконга 500 АҚШ доллари миқдорига зарар етказган.

Мутахассисларнинг фикрича, бу йили қиш давомида бундай «ўғир»ликлар янада кўпайиши мумкин. Чунки мевалар ва чўчка ёнғоғи дарахтлари кам ҳосил бергани сабабли айиқларнинг оч қолиши кутилмоқда.

### ҚАЛЛОБЛАРНИНГ НИКОБИ ЙИРТИЛДИ

Жиноятчилар АҚШнинг аввалги президенти Жорж Буш кифасидаги никоб остида Сиэтл шаҳридаги банка ҳужум уюштиришди. Воқеа Washington Federal молия идораси бўлимларидан бирида содир этилди.



Полиция ҳодими берган маълумотларга қараганда, қуролланган икки ёш йигит банк биносига бостириб кириб, ҳодимдан пул талаб қилган. Жиноятчилар талаби қондирилган, «Бушлар» воқеа жойидан қочиб, беркиншиган.

Ўтказилган зарар миқдори ҳозирча сир сақланмоқда. Ҳужумлар эса ҳали ҳам қилинмаётган.

Сўнги пайтларда АҚШда сибсатдонлар тасвирланган никоблардан фойдаланиб бу каби ўғирликларни содир этиш кенг тус олмақда.

Яқинда Техас штатида босқинчи Жорж Буш номи билан машҳур бўлишга улгурган жиноятчи Габриэль Кабелью кўлга олинган эди. У шу пайтгача АҚШ экс-президенти никоби остида еттига банкни ўмарган.

### «ОЛИМП-2000/213» КЎЗНИ «ТАРТИБ»ГА СОЛАДИ

Ярославлик шифокорлар жаҳонда тенги йўқ кўриш қобилиятини яхшиловчи асбобни яратдилар. Ушбу ноёб иxtиронинг оғирлиги 6 килограмм. Бундан аввал чиқарилган қурилманинг оғирлиги 48 килограмм бўлиб, уни ишлатиш учун 5 ватт. электр қуввати сарф этиларди. Эндиликда янги иxtирони ишга тушириш учун 300 ватт. электр қуввати кифоя.



Кувонарлиси, жаррохлик операциялари беморлар учун анчагина энгил кечади. Эндиликда кўриш қобилиятини яхшилаш учун кўзнинг лат еган тўқималари буглантириш орқали даволанган. Илгари тўқималар кўриш қобилиятини яхшилаш учун кўзнинг лат еган тўқималари буглантириш орқали даволанган. Илгари тўқималар кўриш қобилиятини яхшилаш учун кўзнинг лат еган тўқималари буглантириш орқали даволанган.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади

## Шарҳ

# ЗИЛЗИЛА: ОЛАМ ТАШВИШИ

- 11 март — Япония
- 20 июль — Ўзбекистон, Қирғизистон
- 23 август — Суматра ороли
- 18 сентябрь — Ҳиндистон
- 14 октябрь — Россия
- 19 октябрь — Эрон, Шарқий Тимор
- 20 октябрь — Қирғизистон
- 21 октябрь — АҚШ, Япония, Аргентина
- 23 октябрь — Туркия...

Сезиб турганингиздек, бу биргина жорий йилнинг ўзида ер юзининг турли ҳудудларида содир бўлган кучли ер силкиншиларнинг энг қисқартирилган кўриниши. Агар заминнинг ҳар бир тебраниши Рихтер шкаласи бўйича қайд этиб борилса, 365 кунда мингдан, йириклари эса юздан ошса керак. Зилзилалар, айниқса, офат билан туғанган кучли ер силкиншилари мамлакатлар тарихига қора кун сифатида билдилади. Минглаб бошланасиз инсонлар, яқинларидан жудо бўлган кишилар, кўрқувдан саросимага тушиб, фиғони кўкка ўрлаётган болалар... Буни хатто тасаввур қилиш ҳам кўнгилга туганмас даҳшат солади.

Ҳа, тараққий эт сари дадил одимлаб кетаётган инсоният ўз эҳтиёжи ва хоҳиши йўлида кўнглига нима келса сидқидилдан баҳарди. Замин бағрини аёвсизларча ўйиб, нефть, газ, кўмир каби энергия манбаларини, олтин, қумуш, темир сингари бошқа рудаларни йилига минг-минглаб тонна ҳажмида қазиб олмақда. Ҳаёт юмушларини энгиллаштириш учун яратилган техника воситалари, металлургия заводлари кунига минглаб тонна захарли моддаларни атмосферага пурабқаб турибди. Таъбир жоиз бўлса, буларнинг барчаси табиий мувозанатни бузиб юрмоқда. Тилсиз табиат забони бўлмас-да, ўз исёнини, норозилик ва оғоҳлик чақирғини сув тўфонлари, тошқинлар, кислотали ёмғирлар, ўрмон ёнғинлари, вулконлар, ер силкиншилари кўринишида намоён этмоқда.

Шу йилнинг ўзида биз биргина зилзила деб атайдиган ҳодиса мисолида табиатнинг қудратли кучи олдига инсон нақадар ожиз эканига бир неча бор амин бўлдик. Юртимизда ҳам 21 март, 15 май, 20 июль кунлари ер силкиншилари қайд этилди. Айниқса, сўнгисини ҳозир ҳам кўпчилигимиз юрак ҳувчулаб эслаймиз. Таассуфки, шу кун 15 га яқин юртдошимиз ёруғ дунёдан бевақф кўз юмди...

Кўни кеча Туркиянинг жануби-шарқий қисмида кучли ер силкиншилари содир бўлганини эшитганимизда ҳам юрагимиз бир увушди, беихтиёр, жабр кўрганларнинг жонига тўзим тиладик. Чунки сейсмик жиҳатдан тектоник ҳудудда жойлашган мамлакат ахли 1976, 1999 йилларда ҳам зилзиладан қаттиқ азият чеқкан, ундан қолган

захарлар ҳалигача тўла битиб улгурмаганди.

Маълумотларга кўра, Рихтер шкаласи бўйича 7,2 баллга тенг бўлган ер силкинши оқибатида 23 октябрь кун Ван ва Эрчис шаҳарларида 300 дан зиёд кишининг ёстиғи қуриди, мингдан ортиқ одам жабр кўриб, юзлаб кишилар бедарак йўқолди. Кейинги йилларда Гаити, Япония, Ҳиндистон, энди эса Туркияда содир бўлган бу машъум фожиа бошқа турли муаммоларни ҳам келтириб чиқараётгани ачинарли ҳол. Соҳани яхши билган мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, Ер ўз траекториясидан ўнлаб сантиметрга силжиган. Энг ёмони, бежиз бўлмаётган бу кулфатлар беиз ҳам кетмапти. Заминамизда фаслар алмашинувидаги мўътадилликка дарз етмоқда. Буни англаб етиш учун дунё хабарларини тинглангнинг ўзи кифоя қилади. Биргина мисол, шу йил 21 октябрнинг ўзида юқорида қайд этганимиз ер силкиншиларидан ташқари, кучли жала оқибатида Рим маркази тизза бўйи сув билан қопланди, сув тошқини туфайли Мьянмада юздан ортиқ киши вафот этди, муттасил ёққан ёмғирдан Бангкок ахли миллиардлаб зарар кўрди, Канад оролларидаги Эль-Йерро вулкони ва Россиядаги Кизимен вулкони анча фаоллашди, Финландияда ўнга яқин самолётни чаққоқ урди, Россиянинг Краснодар ўлкасида илк Африкада топилган чўчка ўлати вируслари аниқланди... Бу бор-йўғи бир кунда содир бўлган экологик кўргўликлар. Парадоксни қарангки, Ер юзининг бир четида яшовчилар ўрмон ёнғинлари ва қурқоқчиликдан азият чеқсалар, бошқа қисмида сув тошқинлари, тўфонлар минглаб инсонларнинг ҳолини забун этмоқда, ҳаётига зомин бўлаёпти.

Ўрни келганда яна бир нарсани алоҳида тўқталмоқ жоиз. Эътибор берган бўлсангиз, кейинги пайтларда ноҳуя ахборот тараққий кишиларни кўрқувда ушлаб туриш, ўз измига бўйсундириш, шу орқали мўмай даромад орттиришни мақсад қилган қаллобларнинг ҳам бозори урчиб қолди. Улар интернет наشرлари ёрдамида тез орада охираҳос келиши ҳақида тинмай аюханнос соляяптилар. Қанчалик тўғили туолмасин, ибтидоий тузум даврида ялаб ўтган ва юксак цивилизацияга эришган Мая халқи истифода этган календарининг айнан 2012



йил билан интиҳо тоғгани бунга дастак қилиб кўрсатилмоқда. Бошқа бирорта асос йўқ. Вазиятга реал баҳо бериб, ён-атрофга тийранниҳоқ билан боқадиган ҳар бир киши бунинг нечоғли уйдирма эканини англаб ета олади.

Хўш, бу каби табиий офатлар хуружининг олддини олиш, жилла-курс, ер силкинши олдидан биллиш мумкинми? Афсуски, бу борада дунёнинг ҳеч бир сейсмология институти жўяли фикр билдира олмапти. Фақат экстра-сенс ва башоратчиларнинг тахминлари орқали бир қадар маълумотга эришиш мумкин. У ҳам 50 фоиздан ортиқ эмас. Шунингдек, ёввойи ҳайвонларнинг табиий инстинктларини таҳлил этиш фойда бериши мумкин. Масалан, ер силкиншиларидан олдин тимсоҳлар ўзини бошқача тутайди, филлар тўқайорларга кетиб қолади. Илонлар индан чиқади, баллиқлар ўзини қирғоққа уради, сугурлар рақс туша бошлайди, қушлар жўр бўлиб қирқиллайди, итлар ёппасига вовуллайди. Эътиборли томони, зилзилани фақат ёввойи ҳайвонларга олдидан сезишди. Хонақаштирилганларнинг аксарияти бу тўйғудан маҳрум. Японияда шу мақсадда махсус тимсоҳ фермаси ташкил қилинган. Лекин бу ишлар нечоғли «самарали» эканини, жорий йилнинг баҳорига айнан Кунҷиқар мамлакат мисолида кўрдик. Энди тасаввур қилинг, айни пайтда Қирғизистон ва Тожикистонда қурилаётган сув омборлари ақин ҳудудда мабодо шундай ер силкиншилари содир бўлса, нима бўлади? Қурбонлар ва кўрилган молиявий зарар қўламини Япония фожиасидан ўн баробар ошиб кетмаслигига ким қафолат беради? Чунки ўтган асрда режалаштирилган эски лойиҳалар асосида барпо этилаётган бу гидротехника иншоотлар кучли ер силкиншиларига қай даражада бардошлу, деган савол хануз очилгичча қолмоқда...

Кўриниб турибдики, бугун инсоният икки йўл қаршида турибди. Бир фаровон ҳаётга, иккинчиси муқаррар ҳалокатга олиб боради. Бирининг яқини саодат, иккинчисиники фалокат. Биттасининг ниҳояси тараққий, нарисиники таназул. Шу икки йўлдан бирини танлаш инсониятнинг саводлилик даражасига боғлиқ. Бир нарсани маълум, ақлсизлик қилинса, машҳур олим Циалковский таъбири билан айтганда, «Табиатнинг ўлишини куттишдан бошқа чорамиз қолмайди!»

Иномжон АБДИЕВ

## Дунё матбуоти саҳифаларида

### «The Guardian» газетаси

«THE TIMES»НИ ЖУРНАЛИСТЛАР КЎТҚАРИБ ҚОЛАДИМИ?

Британиянинг машҳур «The Times» газетаси юзга яқин журналистлари ишдан озод этиш ҳақида қарор қабул қилди. Бунга асосий сабаб, таҳририятнинг иқтисодий эҳтиёжлари, дея баҳоланмоқда.

«The Guardian» газетасининг кейинги сонидида бу ҳақда шов-шувли мақола чоп этилди.

«The Times» бош муҳаррири Жеймс Хардинг (James Harding) ўз ҳамкасблари билан кечган расмий мулоқоти чоғида, ҳодимлар қисқартирилиши ҳақида очиқ фикр-ни баён этди. Жаноб Хардингнинг сўзларига кўра, газетани фаолият олиб борувчи етти юз журналистнинг ҳар еттинчиси ишдан озод этилади.

Штабдаги мазкур қисқартиришлар, айниқса, нашрнинг чет муаллифлари учун кескин қўлланилади. Уларга, ўз хоҳишларига кўра ишдан озод этиш тўғрисида ариза ёзиш тақлиф этилади. Модомки, кимдир бу тақлифдан бош тортса, уларни таҳририят ўз ташаббуси билан ишдан четлатиши қўзда тутилган.

«The Times» газетасининг яқшанба кун «The Sunday Times» номи билан чоп этиладиган илова нашри ҳодимлари ҳам «тақдир зарбаси»дан мустасно эмас. «The Sunday Times» нашри ҳодимлари қисқартиришлар қўламини ҳақида тез орада оғоҳлантирилди.

«The Times» газетаси чекига тушган бундай молиявий қийинчиликларга асосий сабаб, газета қоғози баҳосининг кескин ошиши ҳамда ноқулай иқтисодий вазиятнинг юзга келишидир, — дея баҳоланди мақолада. Шунингдек, унда иқтисодий таназулдан нашр сонини қисқартириш орқали ҳам чиқиб бўлмаслигини, у ҳолда газетани кўзалаш мақсадига тўлиқ етолмаслиги қатъий эътироф этилган.

Эслатиб ўтаемиз, бу йилнинг 19 октябрида «Британия» яна бир нашр — «The Daily Telegraph», молиявий муаммолар билан «The Guardian» газетасининг ўзи ҳам қураш бошлаганини маълум қилган эди. Жумладан, мақолада бу газета Лондонда «фойдали ва чиройли буюмлар» сотадиган хусусий дўкон очиб ва саводдан келадиган даромад орқали инқироздан қўтилиб қолишга умид боғлаётгани алоҳида таъкидланган.

### «Le Point» журнали

РОССИЯЛИК УЧУВЧИЛАР УЧУН АЛКОТЕСТ

«Руслар ароқни ёқтиришади, аммо ушунга яқин натижаларга эришиш ҳолатлари ҳам мавжуд», — дея ёзда Le Point нашри, Россия ҳукуматининг авиация хавфсизлиги масалаларини ўрганиб чиқиш юзасидан ўтказилган йилгилини хусусида. — Бунга асос бор, — таъкидлайди журналист Виктор Герен. — Кейинги ойларида мамлакатда тез-тез авиация ҳалокатлари содир бўлмоқда. Кўп ҳолларда бунга асосий сабаб, айрим учувчиларнинг спиртли ичимликлар истеъмол қилиши, дейилмоқда. Экспертларнинг фикрича, ноҳуш ҳодисалар «хамиртуруши» фақат бугина эмас, балки самолётларнинг эскириб қолганлигидан ҳамдир.

Ҳар қалай, учувчиларнинг алкоғол истеъмол қилишининг олдини олиш мақсадида самолёт кабинасига алкоғол тест ускунасини ўрнатish тақлиф этилмоқда. Бу матоҳнинг вазифаси битта, у ҳам бўлса, экипаж аъзоларининг муваффақиятли парвозга тайёр ёки акси эканини аниқлаб беришдир. Бунга эса экипаж аъзоларидан бирининг (масалан, стюардесса) алкоғол таъсирида сархушлиги ҳақида хабар берилгандагина уларни текширувдан ўтказишарди.

Журналистнинг таъкидлашича, бу «кўргўлик» фақат россиялик учувчиларнинг чекига тушган эмас. Яқинда Амстердам-Нью-Йорк йўналиши бўйича қатновчи «Delta Airlines» авиакомпаниясига тегишли самолёт бошқарувчисининг ҳам парвоз олдидан спиртли ичимлик истеъмол қилгани маълум бўлган эди. Оқибатда америкалик учувчи 700 евро жарима тўлашга мажбур бўлган ва йўловчилар ўриндигида Нью-Йоркка қайтиб келган. Европа авиакомпанияларига хос қатъий тартиб-қоидаларга кўра, экипаж аъзоларига парвозга бўлган сўнги 8 соат давомида спиртли ичимлик ичиш мўтлақ тақиқланади.

### «Associated Press»

ахборот агентлиги

НЕМИС КОСМИК СПУТНИГИ ЕРГА ҚўЛАБ ТУШДИ

АҚШ университети олими Жонатан МакДауэлл далилларига асосланган ҳолда Associated Press тарқатган маълумотга кўра, ROSAT номили немис космик спутниги жануби-шарқий Осиё ерларига қўлаб тушган. «Аммо, агар у аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудга қулаганида, ҳозир бу ҳақда ҳаммага маълум бўлар эди», — дейди астрофизик агентлиги.


Америка ҳарбийлари маълумотига кўра, спутник бўлаклари шарқий Шри-Ланка сарҳадларидаги Ҳинд океанига ҳам ёғилиши эҳтимоли бор. Тахминларга қараганда, атмосферада ёниб кетган спутник бўлаклари катта фуругон автомашинасидек келган. Шунингдек, унинг 30 га яқин бўлаклари срга тушиши хавфи бор. Парчаларнинг умумий оғирлиги 1,8 тоннагача бўлиши мумкин, — дея хисоблашмоқда Германия авиация ва космонавтика маркази тадқиқотчилари. ROSAT 1990 йили Канаверал бурундун коинотга чиқарилган ва 1999 йилгача фазодаги қора туйнуқлар ҳолати ва шунга ўхшаш бошқа тадқиқот ишларини бажарган. Эслатиб ўтаемиз, бу йилнинг сентябрь ойида Тинн океанига Американинг AARS спутниги бўлаклари қўлаб тушган эди. Ушундан ҳам бўлақлар аҳоли яшаш пунктларига, хусусан, Канада заминига тушиши эҳтимоли борлиги тўғрисида анча шов-шув бўлган.

Улугбек АСРОПОВ тайёрлади

# ХИТОННИНГ СИЛИКОН ВОДИЙСИ

Хитой ҳукумати томонидан ўтган асрнинг 90-йилларида саноат корхоналари учун тамал тоши қўйилган Чжунгуаньцунь шаҳри бугунги кунда дунёнинг энг йирик электротехника саноати марказларидан бирига айланмоқда. Ҳатто мутахассислар уни Хитойнинг силикон водийси, дея таърифлашаётир.

Аслида, «Силикон водий» тушунчаси АҚШнинг Калифорния штатида жойлашган саноат водийсидан келиб чиққан бўлиб, ўшанда Стэнфорд университети маъмурияти иқтисодий қийинчилик туфайли тасаруфидидаги ерларни ижарага бера бошлаган. Кейинчалик бу ерда қўлаб замонавий компаниялар вужудга келди. 1957 йили водийда ярим ўтказгичлар ишлаб чиқа-



риш йўлга қўйилди. Ярим ўтказгичлар кремний моддасидан (инглизча «silicon») тайёрлангани боис, электротехника соҳасида қилинган кўпгаб иxtиролар масканига «Силикон водий» номи берилди. Пекин шаҳри фарбида жойлашган Чжунгуаньцунь шаҳрининг илмий-тадқиқотлар ва технологиялари паркида 8 мингдан ортиқ электротехника корхоналари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 50 фоизини ахборот технологиялари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этади. Паркда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш учун қўлай шароит яратилган. Шунинг учун бу ерда нафақат Хитой корхоналари, балки дунёнинг машҳур 23 та

трансмиллий корпорацияси ҳам ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бундан ташқари, саноат марказида дунёнинг 500 дан ортиқ фирма ва компаниясининг илмий-тадқиқот марказлари ҳамда ишлаб чиқариш бўлимлари фаолият олиб бормоқда. Чжунгуаньцуньда фаолият олиб борадиган ташкилот ва корхоналарда 361 минг нафар юқори малакали ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Хусусан, 5 мингдан ортиқ фан доктори, 25 мингдан ортиқ магистрант ва 180 мингдан ортиқ бакалавр даражасидаги ишчи фаолият олиб бормоқда. Юқори даражадаги инновацион иxtироларга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш Хитой саноатида янги имкониятлар

эшигини очди. Жаҳонда ахборот технологияларини дастурлаш бўйича Ҳиндистонлик мутахассислар етакчилик қилаётган бўлса-да, кейинги йилларда хитойлик дастурчилар ҳам ўз мавқеларини тобора мустаҳкамлаб боришляпти. «Lenovo», «Baidu», «Sohu» компаниялари бозоргир маҳсулотлари билан 1,3 миллиард истеъмолчига эга бўлган Хитой ички бозорига «Google», «Microsoft» ва «Intel» каби жаҳоннинг етакчи компаниялари маҳсулотларини сиқиб чиқармоқда. «Huawei» компанияси high-tech маҳсулотлари билан жаҳон бозорига шиддат билан кириб бораётган бўлса, «Foxconn» «I pad» (Электрон китоблар жамланмаси)лари ҳамёнбон бўлгани учун ўрта қатлам орасида тез оммалашмоқда.

Хуллас, ахборот технологиялари тараққий эти бугун дунё иқтисодиётини қувватловчи кучга айланиб бормоқда. Замонавий Маълум академиясини эслатуви «Силикон водий»ларининг кўпайиши эса илм-фан, техника тараққийга яна қўлаб иxtироларга замин яратиши, шубҳасиз.

Озода АБДУСАМАДОВА, СамДУ қошидаги 1-академик лицейи ўқувчиси

ХУКУҚИНИ БИЛГАН ХАҚИНИ ТАҢИЙДИ

Ниятнинг ўзи камлик қилади

қонун-қоидалардан бохабар ишбилармоннинг иши доим юришади

Тадбиркор бўлишни ният қилган киши, аввало, ушбу соҳани тартибга солишчи қонун ҳужжатлари билан танишиб чиқиши мақсадга мувофиқ. Чунки бундай масъулиятга қўл уриш учун ниятнинг ўзи камлик қилади.

Тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади. Бундай субъектларни ташкил этиш механизми эса бир неча қонуности ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

давлт рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги қарори билан тасдиқланган бўлиб, юқорида кўрсатилган қонун-ости ҳужжатлари доирасига тушмаган барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини белгилаб беради.

риш муддати ҳаммаси бўлиб икки иш кунидан ортиши мумкин эмас. Тадбиркорни рўйхатдан ўтказган муассаса тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларга давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома, рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган, "рўйхатдан ўтказилди" деган белги қўйилган таъсис ҳужжатларини, шунингдек, муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани беради. Шундан сўнг, яъни тадбиркорлик субъекти тегишли ҳужжатлар, муҳр ва штампга эга бўлиб, банкда ҳисоб рақамини очган (якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари учун ихтиёрий), ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Рўйхатдан ўтказилганлик учун тўланадиган давлат божлари ҳам кўпчиликини қизқитиши мумкин. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари ва 500 АҚШ доллари, бозорлар ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдориди давлат божи тўланади. Деҳқон хўжаликлари, шунингдек, давлат корхоналари негизда ташкил қилинадиган акциядорлик жамиятларини рўйхатга олишда давлат божи ундирилмайди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун қуйидаги ҳолатлар асос бўлади:
\* тегишли бўлмаган рўйхатга олиш органига мурожаат қилиш;
\* ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаслиги;
\* таъсис ҳужжатлари, муҳр

ҳамда штамп эскизларида кўрсатилган фирма номининг бир хил ёки адаштириш даражасида ўхшаш бўлган фирма номи мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотномада кўрсатилган фирма номига мос келмаслиги;

\* таъсис ҳужжатлари, муҳр ҳамда штамп эскизларида кўрсатилган ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шакл турларига мос келмаслиги;

\* таъсис ҳужжатларида кўрсатилган устав фонди миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган муассислари таркибида хорижий юридик шахснинг бўлмаслиги;

\* хорижий инвестициялар улушининг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган улуш миқдорига тенг келмаслиги;

\* хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар муассислари таркибида хорижий юридик шахснинг бўлмаслиги;

\* бозорнинг устав фондида таъсис ҳужжатларида кўрсатилган миқдорнинг камида 30 фоизи киритилмаганлиги;

\* бозор муассислари таркибида устав фондидаги улуши камида 51 фоизни ташкил қилувчи давлат ҳокимияти органининг бўлмаслиги.

Булардан бошқа сабаблар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказишда рад этиш учун асос бўла олмайди. Аксинча ҳолатда тақдим этилган вақтдан бошлаб уч иш соати ичида ҳужжатлар ариза берувчига қайтарилади.

Махлиё ТУРДИЕВА,
Навоий вилоят адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи



Нотариат: бурч ва вазифа

Президентимизнинг 2010 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармонида кўра мамлакатимизда давлат нотариал идораларининг самарали тармоғини шакллантириш мақсадиди республика миқёсида 220 та давлат нотариал идораси ташкил этилди. Жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг малакали юридик ёрдам олиши учун қулай шароит яратилди. Юридик шахслар ва фуқароларнинг мулк-ий-номулкий ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимоя қилиш тизими янада мустаҳкамланди.

Маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз фаолиятида кўпроқ фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш билан шуғулланса, нотариат ҳуқуқ бузилишининг олдини олишга, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг мулк ва шахсий ҳуқуқларини тиклашга хизмат қилади.

Бу йўналишдаги масалалар "Нотариат тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади. Мазкур Қонуннинг 1-моддасида таъкидланганидек, нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш орқали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат. Унга нисосиз ҳуқуқлар ва фактларни тасдиқлаш, келажакда фуқаролик ҳуқуқлари бузилиши эҳтимолининг олдини олиш мақсадида бу ҳуқуқларни қонунда белгиланган тартиб ва шаклда ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлаш вазифаси юклатилган.

Фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар нотариуслар томонидан ҳуқуқий жиҳатдан вақтда расмийлаштирилса, фуқаролар ёки юридик шахслар ўртасида низолар келиб чиқишининг олди олинади. Натихада судларда бундай ишлар анча камаяди ёки ишлар судда қўрилганида, нотариус томонидан тасдиқланган ҳужжат ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Нодира АБДУЛЛАЕВА,
Ғиждувон шаҳридаги 2-сон Давлат нотариал идорасининг нотариуси

Тиббий кўрик ортиқча даҳмаза эмас

Гулсанам янги ҳаёт оstonасига не-не орзу умидлар, эзгу ниятлар билан қадам қўйган эди. Аммо турмуш у уйлагандек бўлиб чиқмади. Кўёв томон тўй учун барча ҳозирликларни кўриб қўйган эканими ёки бир нимадан ҳадиксирашдими, ҳарқалай қизни бир ойда етказмасдан ўраб-чирмаб олиб кетишди.

Тўйдан кейин уй юмушларини, кайнонанинг хизматини адо этиб, келинлик вазифасини ўз ўрнида бажариб келаётган Гулсанам аслида янада кучайиб боришини айтиди. Бу хасталик ирсий ҳисобланиб, Гулсанамнинг раҳматли қайнотаси ҳам шундай дардга йўлиққан экан. Шундай қилиб, шошма-шошарликда қурилган оила барбод бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 августдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2004 йилдан бошлаб никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтиши мажбурий қилиб белги-

ланди. Тиббий текширувлар жараёнида сил, рухий, тери-таносил, наркологи ва ОИТС касалликлари юзасидан таҳлиллар ўтказилади. Мазкур касалликлар ФХДЭ идорасига ариза берган бўлажак келин-кўвларда аниқланмаса, улар янги оила қуришга тайёр, деб ҳисобланади. Акс ҳолда эса, уларга никоҳга чаваловчи тавсия этилади.

Баъзан тўйи бўлаётган ёшлар, ҳатто уларнинг ота-оналари ҳам тиббий кўриқдан ўтишни гўёки ортиқча даҳмаза деб биладилар. Аммо ушбу тартибнинг оилалар, туғилажак фарзандлар тақдирини муҳим ўрин тутушини инобатга олсак, масаланинг муҳимлиги яққол намоён бўлади. Бинобарин, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишдан мақсад — соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароит яратиш, ирсий билан боғлиқ туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишдир.

Гавҳар МҮМИНОВА,
Ғаллаорол туман ФХДЭ бўлими мудариси

Ҳады шартномаси

Ҳады шартномаси деганда бир тараф — ҳады қилувчининг бошқа бир тараф (ҳады олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб бериши ёки бериш мажбуриятини олиши тушунилади. Шу билан бирга, бундай шартнома орқали ҳады қилувчи учинчи шахсга мулк ҳуқуқини беради (ёки бериш мажбуриятини олади) ёхуд учинчи шахсни мулкий мажбуриятдан озод қилади (озод қилиш мажбуриятини олади).

Ҳады этишни ваъда қилиш, тегишли шаклда берилган ва мақсад аниқ қўрилиб турган бўлса, ҳады шартномаси ҳақиқий деб тан олинади. Яна бир талаб шуки, ҳады шартномасида ҳады предметини аниқ кўрсатилган бўлиши шарт. Ҳадыни ҳады олувчига ҳады қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома эса ўз-ўзиндан ҳақиқий эмас, деб топилади.

Ҳады олувчи ўзига ҳады топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳады шартномаси бекор қилинган ҳисобланади. Ҳадыни топшириш уни тақдим қилиш, рамзий топшириш ёки ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади. Кўчмас мулкни ҳады қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиб, давлат рўйхатидан ўтказилади. Бундан ташқари, ав-

томототранспорт воситаси ҳады этилаётган бўлса, бу ҳақдаги битим нотариал тасдиқланиши ва тегишли ДЙҲХ хизмати органида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Уй, квартира, уй ёки квартиранинг бир қисмини хорижий фуқаролар (шукр оладан, МДҲ давлатлари фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар)га, шунингдек, Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган уй, квартира, уй ёки квартиранинг бир қисмини республикамизнинг бошқа минтақаларида яшовчи фуқароларга ҳады қилиш бўйича шартномаларни тасдиқлаш ички ишлар органлари томонидан берилган яшаш учун рухсатнома тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

М.МАМАРАСУЛОВА,
Андижон шаҳридаги 4-сон ДНИ нотариуси

Вакил орқали васиятнома тузиш мумкинми?



— Айтинг-чи, васиятноmani вакил орқали тузиш мумкинми? Умуман, васиятнома қандай тузилади?

Д.Чориев
Олтинсой тумани

Йўқ, васиятноmani вакил орқали тузиш мумкин эмас. Васиятноmani шахснинг бевосита ўзи тузиши лозим. Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг маълум бир қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирадиган (шунингдек, қирмайдиган) бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин. Мерос қолдирувчи васиятноmani тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиши ва ўзгартириши мумкин. Шундай ҳолатларда у бунинг сабабларини кўрсатишга мажбур эмас. Бундан ташқари, васиятноmani эгаси турли сабабларга (масалан, васиятноmaniда кўрсатилган меросхўр мерос олгунга қадар вафот этиши, меросни қабул қилмаслиги ёхуд ундан воз кечиши, нолойиқ меросхўр сифатида мерос олишдан четлаштирилиши каби) кўра бошқа меросхўр (ворисдан кейинги ворис)ни тайинлашга ҳам ҳақли.

Васиятноmani васият қилувчи ёки васият қилувчининг ёзма фармоишига биноан нотариус томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин. Янги васиятноmani тузиш орқали эса олдин тузилган васиятноmani тўлиғича ёки унинг кейинги васиятноmaniга зид бўлган қисми бекор қилинади. Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятноmani бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятноmani тузиш орқали тўлиғича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятноmani қайта тикланмайди.

Саволга Олтинсой туман ДНИ нотариуси Луиза ХАСАНОВА жавоб берди

Ўғлимнинг исм-шарифини ўзгартирмоқчиман...



— Турмуш ўртоғим бизни ташлаб кетган, ўғлимни 1 ёшидан бери ёлғиз ўзим тарбиялаб келаяман, отаси умуман хабар олмайди. Ҳатто унинг қаердалигини ҳам билмайми, ўғлимнинг паспортини ўзининг исми-шарифини бўйича олишни хоҳлаяман. Бунинг илжози борми?

Н.Ҳикматиллаева
Олмалик шаҳри

Аваламбор сиз эмас, балки фарзандингизнинг ўз исми-шарифини ўзгартиришга хоҳиши бўлиши лозим. Агар ўғлингиз 16 ёшга тўлган бўлса, Оила кодексининг 226-моддасига асосан яшаш жойи бўйича ФХДЭ бўлимига мурожаат қилишингиз керак. 16-18 ёшгача бўлганларга нисбатан исм-шарифини ўзгартиришда ота-она розилиги талаб қилинади. Агар фарзандингизнинг отасини топиш имконияти бўлмаса, у ҳолда бу масала шаҳар, туман Халқ таълими бўлиmlари қошидаги васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги асосида ҳал қилинади.

Саволга Ангрэн шаҳар ФХДЭ бўлими инспектори Ноила АБДУЛЛАЕВА жавоб берди

Гувоҳнома олишингиз керак



— Онам отам билан биргаликда қурган уйнинг ўзларига тегишли қисмини менга васият қилиб кетган эди. Отам руҳсатимсиз ҳовлининг васият бўйича менга тегишли бўлган қисмини бошқа шахсга ўтказиши (ҳады қилиши, айирбошлаши) мумкинми?


Ҳ.АЛИЕВ
Олмалик шаҳри

Фуқаролик кодексининг 1145-моддасига мувофиқ меросхўр мулкнинг ўзига тегишли бўлган қисмини ёки унинг бир қисмини қабул қилиб олиб, унга эгаллик қилиши меросни тўлиқ қабул қилиш ҳисобланади. Меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида мерос очилган жойдаги нотариусга гувоҳнома беришни сўраб берилган ариза ҳам мерос мулкни қабул қилиб олган билан тенг. Бундай гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан 6 ой ўтганидан кейин берилади. Васиятноmani бўйича мазкур гувоҳномани олиш учун тегишли ҳужжатлар ва васиятноmani бекор бўлгани аниқланади.

Шу сабабли давтавал мерос очилган жойдаги тегишли нотариал идорага ариза билан мурожаат этишингиз ва белгиланган тартибда ўзингизга тегишли мерос мулкига эгаллик ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олишингиз лозим. Отангиз уйни бошқа шахсга сотиш тўғрисидаги шартномани тузиш учун нотариал идорага борганида, албатта, ушбу турар жой унга тегишлилиги ҳақида эгаллик ҳуқуқини белгиловчи ҳужжат, шунингдек, унинг биргаликдаги эгаларининг ёзма розилиги талаб қилинади ва унга таққиб бор-йўқлиги текширилади.

Саволга Олмалик шаҳридаги 2-сонли ДНИ нотариуси Анара ЙҮЛДОШЕВА жавоб берди

Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар



— Яқинда ер ижаралари билан боғлиқ адабиётларда «Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар» жумласига дуч келдим. Бу тушунча нимани аниқлатади?

С.Йўлдошева
Яккабоғ тумани


Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан ер фонди бир қанча тоифаларга ажратилади. Хусусан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар; аҳоли пунктлари ерлари; sanoat, транспорт, алоқа, муҳофаза ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар; сув фонди ерлари; ўрмон фонди ерлари ва бошқалар. Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар эса алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари тоифасига мансуб. Бундай ерлар аҳолининг оммавий дам олиши, туризмни ташкил этиш учун тегишли муассаса ва ташкилотларга берилади.

Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда улардан белгиланган мақсадларда фойдаланишга ҳалақит берадиган фаолият тақиқланади. Саволга Яккабоғ туманидаги 2-сон ДНИ нотариуси Сайёра ИСМАТОВА жавоб берди



## Истерьдоғ қарёсидаң суь илган раман

### Дилтортар суҳбатлар



Санъат олами бамисли чексиз осмон. Ундаги юлдузлар турфа хил ёғду таратади. Қай бири кутилмаганда чақнаб чиқади-ю, тез сўнади. Кимгадир тақлид қилиб яратилган, яъни мазмун эмас, балки тўйбонлигига катта аҳамият қаратилган кўшиқларнинг умри қисқа бўлиши табиий. Шу билан бирга тарбиявий аҳамиятга эга, кишини мушоадага чорловчи кўшиқлар ҳам борки, улар неча замонлар ўтса-да, ўз сеҳри ва оҳанрабодини йўқотмайди, қалбларга мангу муҳрланади.

Бир неча йиллардан бери ўзининг ширали овози билан кўшиқ шинавандаларининг муҳаббатига, олқишига сазовор бўлиб келаётган хонанда Шухрат Йўлдошев бугун саҳифамиз меҳмони.

— Шухрат ака, асл санъаткорнинг ярқ этиб юзага чиқиши учун истерьдоғ муҳимми ёхуд имконият? Қай бири санъаткорни катта сахна сари дадил етаклайди?

— Баъзи ҳолларда моддий имконият қайсидир маънода «истерьдоғ»ни кашф этапти. Аслида, истерьдоғ инсонда тугма бўлади. Узини аниқ бир соҳада синаб кўрмаган, бирор ишни уддалай олмаган айрим «иктидор соҳиблари» эса имконият эвазига келган вақтинчалик шон-шухратни истерьдоғ деб тушунишади. Истерьдоғ қонда жўш урди, демек, у умрбоқий, инсонга кўп нарсалар беришига қодир.

Хозир баъзи киноактёрлар ёки бошқа соҳа вакиллари кўшиқ куйлаётган ёки аксинча санъаткорлар фильмларда роль ўйнашмоқда. Соҳалар бироз чалқашиб кетяпти, чамамда. Ваҳоланки, санъат — футбол майдони эмаски, ҳар ким хоҳлаганида кириб тўп тегиб кетариса. Иктидори бўлса, хонинг қилсин, токи у қалбларга кўшиқ бўлиб кириб борсин, одамлар севиб хир-

гойи қилиб юрсин. Кўшиқ — бу юрак иши, у жой, вақт ёки ортиқча куч талаб қилмайди. Тўғри, маблаг керак, албатта, лекин кўшиқ юракдан фаворадек сачраб чиқмас экан, ҳаво тўлдирилган шардан фарқи йўқ. Бироз муддат ўтган, ёрилиб кетиши турган гап.

— Сиз фақат жонли куйлайдингиз хонандасиз. Жонли ижронинг машаққатли жиҳатлари ва муваффақиятларини нима ларда кўрасиз?

— Санъатнинг асл ихлосмандларигина жонли ижро билан фонограмма ўртасидаги масофани аниқлаб, қай бирда узоқ, машаққатли одимланганини дарҳол аниқлаб етадилар. Жонли ижро ҳар қандай инсон юрагининг туб-тубида кириб боради, муҳлисларнинг санъаткорга нисбатан ҳурмати ва меҳрини янада оширади. Концертга келган муҳлислар кўшиқларининг эшитаман деб энтижиб туришса-ю, хонандалар уларнинг кўзларига тик боқиб фонограмма куйласа... Бунга менинг виждоним йўл қўймайди.

Айтилаётган кўшиқнинг ҳар битта сўзи юракдан вулкандек отилиб чиқмас экан, тингловчи ҳам юракдан эшитмайди. Биз яратган кўшиқ қанчалар жозибали бўлмасин, уни чин дилдан жўшиб, берилиб куйламадикми, қилган меҳнатимиз кўп ҳолларда елга совирилиши табиий. Чунки мусиканинг сеҳри жонли ижрода, фонограммага эса сохталик кўзга ташланади туради. Айрим тингловчилар бу ҳолга анча кўникиб қолгандир балки, аммо санъаткор бунга ўғриб қолмаслиги тарафдориман. Қайси касб бўлмасин, унинг нониини ҳалол топиб ёйиш фақат ўзини мизга боғлиқ.

— Сўнгги пайтларда куйланаётган аксарият кўшиқлар мавзуси ва гоёси фақат «севдим», «куйдим»дан иборат бўлиб қоляпти. Муҳаббатни энгил-елли, жимжимадор сўзлар билан эмас, жиддийроқ услубда куйлаш ҳам мумкин-ку.

— Ҳар бир кўшиқни гўзал даражада ижро қилиб, халққа тақдим этиш — санъаткорнинг асл орузи. Бунинг учун камда эллик-юз маротаба репетиция қилиш талаб этилади. Шунда кўшиқ ижронининг онгига, юрагига сингади, куйлаганда ҳам ёқими ва таъсирчан қади. Оҳанг ва ижро уйғунлиги, кўшиқдаги сўзларнинг маъносини юракдан эси этиб куйлаш, импровизация ва сахна маҳорати — буларнинг барчаси эстрада хонанга кириб боради, муҳлисларнинг санъаткорга нисбатан ҳурмати ва меҳрини янада оширади. Концертга келган муҳлислар кўшиқларининг эшитаман деб энтижиб туришса-ю, хонандалар уларнинг кўзларига тик боқиб фонограмма куйласа... Бунга менинг виждоним йўл қўймайди.

Кўшиқнинг асл кўшиқ бўлиб жанрлангани ва йиллар ўтганда ҳам ўзининг оҳанрабодини йўқотмаслиги учун куй ҳамда шеърнинг уйғунлигини топа билиш жуда муҳим. Муҳаббат мавзуси ҳеч қачон эскирмайди, диллардан ўчиб ҳам кетмайди, бироқ унинг изҳору таърифи — «беш қарра беш йигирма беш» қабилидаги шеърлар кўшиққа айланса, бу қудратли туйғу ўз кучини йўқотиши мумкин. Устоз ҳофизлар ишқ ҳақида инсоннинг дил торларини чертадиган даражада, маромига етказиб куйлашганки, уларни эшитиб муҳаббатнинг чинакам сеҳрини ҳис қиласан киши...

— Миллий телесериаллар учун саундтрек ёзишда сизнинг кўшиқларингизга кўпроқ мурожаат қилишмоқда. «Туташ тақдирлар» номли кўп қисмли видеофильм кўпчиликлари бирдек манзур бўлгани боис, муҳлислар яна такрор эфирга берилишини сўрашди. Ушбу сериал саундтрекининг ёзилиши қандай кечган?

— «Туташ тақдирлар» фильмининг бошланишида айтилаётган «Юрак» номли кўшиқни мен куйлаганман. Фильм низоҳосидаги «Кесишади туташ тақдирлар» номли кўшиқни эса хонанда Афзал Хусанов ижро этган. Хали-ҳануз ким қай бирини куйлагани тўғрисидаги тортишувларни эшитиб қоламиз. Афзал иккимиз бунга кўникиб ҳам кетдик. «Юрак» кўшиқимнинг мусикасини Дониёр Азимов ёзган, шеър муаллифи Иқбол Мирзо. Сериал режиссёри Замира Бегимкулова тақлифига биноан ушбу кўшиқни куйлаганман. Агар эътиборингиз бўлса, фильм ичида янграйдиган «Кечкиб келган сеvgи» ва «Қор» номли кўшиқлар

рим ҳам сценарий мавзуси билан уйғунлашиб кетган.

— Биз Шухрат Йўлдошевнинг нафақат ардоқли хонанда сифатида таниймиз, балки шифокор эканидан ҳам хабардоримиз. Ҳар икки соҳанинг уддасидан чиқишга қандай эришдингиз?

— Тўғри, кўпчилик мени санъаткор сифатида яхши танийди. Аммо тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморларимнинг сони ҳам анчагина. Наҳот излаб мурожаат қилган беморларга студияда, овоз ёзиш пайтида бўлса ҳам қўлимдан келганича ёрдам берарман.

Санъат — менинг юрагим. Касбим шифокорлик бўлса-да, санъатга бўлган меҳрим бўлақча. Уни бир умр тарк этолмасам керак. Шунданми, хозир фақат ижодий изланиш билан машғулман.

— Сўхбатларингизнинг бирини да ўзингизга Шухрат Дарё деб янги тахаллуф танлаганингизни маълум қилибсиз. Бунга қандай изоҳлайсиз?

— Табиатнинг мўъжизаси бўлган дарё кенглик, чексизлик тисмоли. У хар томонга тўлиб-тошиб оқгани каби инсонга инъом этилган истерьдоғ ҳам чегара билмай юраклардан отилиб чиқади. Мен танлаган ижод йўли ҳам худди дарёдек сертошқин, низоҳосиз бўлишини назарда тутган ҳолда шу номни маълум топдим.

Кичик ирмоқлар билришиб асов дарёни яратди. Инсон ҳам эришган кичик ютуқларидан қибланган қолмасдан, иходнинг катта доvonлари сари дадил қадам ташлаши, хар доим нимагадир эришиш учун интилиши лозим. Ўз наватида, бу ном менга жуда катта масъулият ҳам юкляди. Кўнглим шоқин дарё сингари югурилайлини истайман.

Дилафруз ТўРАҚУЛОВА суҳбатлашди

### Ривоят

## Ўлим шоҳмони

Инсоният яратган «ақл мўъжизаси» — шоҳмот неча асрлардан бери ўзининг гаройиб сеҳри, жозибаси билан олам аҳлини ўзига мафтун этиб келмоқда. Ҳайратларчарисси, бу жозоба, бу мафтункорлик ортса ортиб бормоқдаки, заррача камайгани йўқ.

Қуйида чоп этилаётган ривоят шоҳмотнинг Шарқда нақадар кенг тарқалгани ҳақида маълумот бериши билан бирга, у меҳр-муҳаббат, садоқат ва адолат бобида ҳам шоҳона ўйин эканлигини тасдиқ этади. Ушбу ривоят «Вокруг света» журналининг 1915 йилги 22-сонидан олинган.

Ривоят қилишларича, Тунис кўшинлари кўмондони Муҳаммад Олмонзода ўз аскарлари ўртасида гоёт қаттиқ кўллиги ва интизомлиги билан ажралиб турарди. У ўзининг қаршида тошдек қотиб турувчи аскарларга: «Сизлар душмандан эмас, мендан кўринглар» деб дағдағ қилар ва ҳақиқатан ҳам аскарлар унинг қаҳридан дир-дир титрашарди.

Бир кун Муҳаммад саккиз нафар отлик аскарига греклар тез-тез арава ҳайдаб ўтадиган жойда посбонлик қилишни буюрди. Уларга атрофдан кўз-қулоқ бўлиб туришга, хар бир ўткинчини ушлашга катъий амр этди. Ярим кенаси қўриқчилар бочка ортлган бу кўчиз араваини ушлашди. Аравакаш аравасини қолдириб, ўзи жуфтани ростлаб қолди. Бочка эса узум шароби билан лиммо-лим эди.

Ислол динида мусулмонларнинг шароб ичиши манъ этилган бўлса ҳам, бу аскарларни қаноатлантирмасди. Бунинг устига шароб тўла бочка кўлга киритилган ўлжа бўлиб, уни мусодара қилиш шариатда жон ҳисобланар эди. Хар ҳолда аскарлар шаробдан татиб қуришса, бунинг нимаси ёмон?

Дастлаб аскарлар ўтланлар бағрида ястаниб ором олиш мумкин бўлган бир пайтда от устида, эгарда ўтиришни мулақо беманилик, деб топдилар. Кейин

дилар. Агар Маъруфнинг оти кишаб қолмаганида барчаларини қиличдан ўтказиши аниқ эди.

Қайф ва уйку бир зумда тарқалди. Посбонлар хушларига келиб душманга ташланди. Бирок греклар уларнинг отларини олиб, жуфтани ростлашди. Саккиз нафар аскарга бор-йўғи битта от қолди, холос.

Бунга Маҳаммадга қандай етказиш мумкин? Бўлар иш бўлди, гишт қолидан кўчди. Кўмондонга ҳаммасини очик-ойдин айтиб, тавба қилишдан бошқа чора йўқ эди.

Олмонзода ҳеч қачон кўнглидагини юзига чиқарган эмас. Хозир ҳам унинг ифодасиз чехрасидан тунухорларни нима кутаётганини — авфми ёки ўлимми ўқиб бўлмасди.

— Шундай денг, — деди у, — демек, саккиз кишига бир от қолибди-да. Мен на Курьонда, на бошқа китобда уч кишининг бир ота минганини ўйганим йўқ. Шундай экан, ҳозирок шоҳмот ўйнайсиз ва фақат голибагина қолган от насиб этади, ютказгани эса ажал чангалга ташлайман.

Шундан кейин Олмонзода тўртта шоҳмот тахтасини доналари билан келтиришни буюрди. Уйинчилар атрофига ўн икки нафар қўриқчини қўйди ва ҳукм этилганларга ўйинни бошлашни амр этди. Уйинчиларнинг хар бири голиб қилиш учун бутун кучи ва қобилиятини сарфлашга ҳаракат қиларди. Ниҳоят, биринчи партия тугади, тўрт нафар голиб қолди, қолган тўрт нафари эса ўша захоти ўлимга маҳкум этилди.

Янги партия бошланди. Яна янгидан умид, қайта тахлика, асабларнинг таранглиши, ҳаёт ва мамот кураши; кичкина бир хато — тамом вассалом. Пировардида, фақат Маъруф ва Зафаргина тирик қолди. Улардан бири ўзининг охири партиясини ўйнаши аниқ. Хар иккови зўр диққат билан ўйинни бошлади. Аста-секин жанг

майdonи бўшаб, асосий доналар тахтини тарк этди. Афтидан Маъруф рақибидан қулироқ кўрина бошлади. Шу пайт, негадир, унинг пешонасини тер қоллади, ранги мурданкидек оқариб кетди. Чунки Маъруф рақибининг талафотларга қарамай ютққа олиб келадиган бир йўли борлигини кўриб қолганди. Агар у шу йўлни пайқаб қолса, холи не кечади?..

Бу пайтда Зафар шоҳмот тахтасини диққат билан кузатарди. Унинг кўзлари галабали юришини пайкаганидан дарак бериб турарди. Аммо у донага кўл теккизмас, узоқ ўйга толганди.

— Маъруф, — деди ниҳоят у, — нечта фарзандинг бор?

— Тўртта, бешинчисини кутаяман, — деб жавоб қилди Маъруф.

— Хотининг яхши аёлми?

— Ҳа, хушфезл, оқила ва садоқатли.

Зафар ниманидир шивирлади, гўё дуо ўқигандек бўлди ва сўнг деди:

— Маъруф, қулоқ сол, сенинг оиланг бор, мен эса ёлғизман. Сен менга доим судж дўст бўлиб келдинг ва жуда кўп яхшиликлар қилдинг. Маъруф бош иргадди. Зафар атайлаб хато юрди ва партияни бой берди. Сўнг мулақо лол бўлиб қолган ўртоғининг қўлини сиқиб, ўрнидан турди. Маъруф эса жойида гўё тош қотгандек ўтирар эди.

— Тур, — деди Олмонзода, — отингга мин. Сен тирик қолдинг.

Аммо у ҳамон бир нуқтага тикилганича миқ этмасди. — Урнидан турганинг! — амр қилди Олмонзода.

Икки аскар уни кўтарди, бироқ Маъруф ҳисиз-фиксиз жилмайганича қаергадир боқар эди. Осмон, ер ва одамлар унинг нигоҳи ва онгидан буткул ўчган, лаблари қандайдир чалқаш сўзларни охишта пичирларди...

Шоҳмот тахтасидаги охири дона сурилиши вақтида у ақдан озган эди. Суръат АБДУКАРИМОВ тайёрлади

## НАРХЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ АРЗОНЛАШИШИ! ИНТЕРНЕТ-ПАКЕТЛАР

Пакетлар	Пакетдаги трафиқ ханми	Пакет нархи	Пакетни активлаштириш учун USSD-номанда
«Internet 25»	25 Мб	\$0,7	*11*019*1#
«Internet 60»	60 Мб	\$1,4	*11*019*2#
«Internet 125»	125 Мб	\$2,7	*11*019*3#
«Internet 500»	500 Мб	\$6,5	*11*019*4#
«Internet 1000»	1000 Мб	\$8,0	*11*019*5#
«Internet 2000»	2000 Мб	\$10,0	*11*019*6#
«Internet 3500»	3500 Мб	\$17,0	*11*019*7#
«Internet 5000»	5000 Мб	\$22,0	*11*019*8#
«Internet 10000»	10000 Мб	\$44,0	*11*019*9#

Изоҳлар:  
 \* Интернет-пакетлардан активлаштирилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида фойдаланиш мумкин.  
 \* Битта рақамга бир вақтда мингтагача Интернет-пакетлар улаш мумкин.  
 \* Тулов асосини ҳисобидан хар бир пакет активлаштирилган эди.  
 \* Нархлар 10.10.2011 дан амалда.



Хизматлар лицензияланган

**HURRIYAT**  
 MUSTAQIL GAZETA

Муассис: **Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмисаси**

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Hurriyat» газетаси жамоаси тахририятнинг собик ходими **Исмет Худоев**га падари бузуқворни **НУСРАТУЛО** отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир: **Ўктам МИРЗАЁРОВ**

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: **hurriyat@doda.uz**

Тахририятга қолган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51

Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Кораклдоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11

Андижон — 8-374-250-90-39

Бухоро — 8-365-592-85-02

Самарқанд — 8-366-233-62-12

Сурхондарё — 8-376-396-30-59

Фарғона — 8-373-215-80-58

Хоразм — 8-362-291-48-44

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Бууюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: **Азим РЎЗИЕВ**

Топшириш вақти — 21 00

Топширилди — 21 00

— тижорат белгиси.

Адади: 5252 Буюртма — Г-1055 1 2 3 4 5